

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ**

БОЗОРБОЕВА ШОХСАНАМ УМАРҚУЛ ҚИЗИ

**БЕҲБУДИЙ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ф.ф.д., проф. в.б. Г.М.Рузматова

ТОШКЕНТ-2014

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш.....	3
I боб	Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодий меросини тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари.	
	1.1 XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-маърифий ҳаёт.....	9
	1.2. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифатчилик ҳақидаги қарашлари.....	18
	1.3. Беҳбудийнинг миллий тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳақидаги қарашлари.....	27
II боб	Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий тараққиётнинг ижтимоий-маънавий асослари ҳақидаги қарашлари.....	
	2.1. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллийлик ва миллат ҳақидаги ғоялари	36
	2.2. Ҳозирги давр ёшлар тарбиясида Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодий меросининг аҳамияти.....	41
	2.3. Баркамол авлод тарбиясида жадид маърифатпарварлигининг ўрни.....	51
	Хулоса.....	64
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	68

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан жамиятимизнинг барча соҳаларида маънавий юксалиш жараёни учун замин вужудга келди. Натижада халқимизнинг асрлар давомида маънавий тафаккурининг сайқал топиб келган, лекин шўролар даврида камситилган жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Мана шундан даврлардан бири XX асрнинг бошлари бўлиб, Ватан тақдири, юрт истикболи, халқ фаровонлиги учун курашган бир қатор жаидчиларимиз халқ душмани сифатида қатағон қилинди. «Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жаид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Иброт, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-халоватидан кечиб, Ёл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди»¹. Ушбу жаид маърифатпарварлари орасида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг алоҳида ўрни бўлиб, унинг маънавий олами бевосита халқ дарт билан уйғунлашиб кетган.

Миллий ғоянинг тарихий негизларидан бири бўлган маърифатпарварлик ғояси намоёндаларининг фаолияти, мамлакатни феодал қолоқликдан чиқариш учун курашувчи илғор кучларнинг манфаатларини ифодаловчи ғоявий ҳаракат эди. Жаидчилик ҳаракати намоёндалари ўз ғоялари мезонини ижтимоий адолат, миллий фаровонлик, миллий мустақиллик асосида шакллантирган эди. Шу билан бирга улар маданий-ахлоқий, ва маърифатпарварлик ишларини янгилашга, европача илмий-техника тафаккурини тарғиб қилишга, диний мутаассиблик, ақидапарастлик ва нодонликка барҳам беришга ҳаракат қилдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият, 2008, 48-бет.

халқнинг маънавий ва маданий савиясини кўтармоқ учун, миллатимизни бошқа миллатлардан орқада қолмаслиги учун ҳар бир киши Европа давлатларига бориб маълум бир тилни ўрганиш кераклигини таъкидлайди. «Арабийни билмасак дин, русча билмасак дунё қўлдан кетади. Туркий ва форсийнинг кераклигига сўз йўқдир. Яна бир тил борки бутун олам бири-бири билан шу тилда сўзлашадур. Ул Франса хати ила тилидур. Бизга лозимки ўз нафимиз учун русча билайлик. Ҳукумат мактабларида ўқийлик, давлат мансабларига кирайлик. Мусулмон бўлиб туриб тараққий қилайлик»¹.

Маҳмудхўжа Бехбудий даҳоси шу қадар ўткир бўлган-ки, у деярли юз йил муқаддам мустақиллик туфайли биз эндиликда ҳал эта бошлаган вазифаларни белгилаб берган эди. Жамиятдаги қора кучлар алломани кўролмасди: 1919 йилда Бухоро амири уни «большевикларнинг айғокчиларидан» деб айблади, унинг жосуслари Маҳмудхўжа Бехбудийни Қарши шаҳрига келтириб пинҳона қатл этдилар. Буюк маърифатпарварнинг ғоялари, фаолияти тарихда қолди ва орзу-умидлари эса мустақиллик шарофатидан рўёбга чиқмоқда.

Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси. XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошланган демократик ошкоралик ва қайта қуриш жадиличилик ҳаракати ҳақида чекланган ҳолда бўлса ҳам баъзи ҳақиқатларни айтиш имконини берди. Шу нуқтаи назардан, 1987 йилда Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида, 1989 йилда ЎЗФА ва ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда туркистонда жадиличилик ҳаракатига бағишланган собиқ иттифоқ миқёсида илмий анжуманлар ўтказилди. Ушбу йиғилишларда жадиличилик ҳаракатини комплекс - ҳамма ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича ўрганиш кераклиги таъкидланди. Бироқ фақат ватанимиз мустақилликка эришгандан кейингина маънавий-маърифий ҳаётимизда ҳам

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил лозим. Танланган асарлар. -Тошкент.: Маънавият, 2006. –153-бет.

туб сифат ўзгаришлар амалга оширилди: марказдан келган андозалар асосида эмас, бор ҳақиқатни айтиш, ўз тарихимизни ўзимиз яратиш имкониятига эга бўлди. Жаидчилик ҳаракати, унинг туб моҳияти, буюк раҳнамолари ва намояндалари ҳақида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Туркистондаги жаидчилик ҳаракатини ўрганиш билан чет элларда нисбатан олдинроқ шуғуллана бошладилар. Бу соҳада америкалик Э.Олворт¹, Э.Лаззерини² ишлари маълум. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларидан кейин туркиялик Нодир Давлат³, Аҳад Андижон⁴, япониялик Хисао Коматсу⁵, немис Ингеборг Балдауф⁶, америкалик Адиб Холид⁷ каби олимларнинг асарлари эътиборга лойиқ. Уларнинг баъзи асарлари ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

1999 йилнинг 16-18 сентябрида Тошкентда “XX аср бошида Ўрта Осиё: жаидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик” мавзуида анча эътиборли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Тарих маркази ҳамда Германия Конрад-Аденауэр жамғармаси эди. Унинг ишида турли мамлакатлардан келган йигирмадан ортиқ мутахассис олимларнинг маърузалари тингланди. Улар орасида Ингеборг Балдауф, Адиб Холид, франциялик Шанталь Келькежи, италиялик Марко Буттино, нидерландиялик Тураж Атабаки каби таниқли олимлар бор эди. Ўзбек олимларидан профессорлар Н. Каримов, Б. Қосимов, Б. Назаров, Ҳ.Зиёев, доцентлар Ш.Турдиев, Б.Дўстқораев, Ш.Ризаев кабилар маърузалари билан иштирок этдилар.

¹ Allworth Edward. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964.

² Lazzerini E. Ismail Bey Gasprinskiy and Muslim modernism in Russia, 1878-1914. University of Washington, Ph. D., 1973.

³ Davlat Nodir. 1905-1917 yillar orasida Rossiya turklarning milliy muhtoriyati tarixi .Anqara-1985

⁴ Prof. Dr. A. AhatAndijon.. Istanbul-2003.

⁵ Хисао Коматсу. Чиғатой гурунги. Туркчадан проф. Ҳ. Болтабоев таржимаси. ЎзАС, 1996 й. 21 сентябрь.

⁶ Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент., Маънавият, 2001.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод этган жадидлар ҳам ислом қадриятларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор бердилар. Жумладан, Маҳмудходжа Бехбудий асосатдан халос бўлишнинг йўли илму фанни ривожлантириш, диний бағрикенгликни барқарор қилишдан иборатдир, деган хулосага келди. Шунингдек, Маҳмудхўжа Бехбудий асл ислом ғояларининг унутилиши тарқоқликка ва ўзаро низога, юртнинг мустамлака остида қолишига сабаб бўлган, деб ҳисоблаган эди. Бехбудий «Мухтасари тарихи ислом» (Исломнинг қисқача тарихи) асарида баъзи руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом таълимоти моҳиятини бузиб кўрсатаётганликларини танқид қилади, диндан ғаразли, сиёсий мақсадларда фойдаланиш қанчалик оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатади.

Маҳмудхўжа Бехбудий миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий-сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, “Ислоҳни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади”¹, - дейди Маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичи бўлган жадидизм намоёндалари А.Фитрат², А.Авлоний³, М.Абдурашидхоновларнинг⁴ асарларида миллий мустақиллик, илмий-фалсафий тафаккурнинг ўсиши, маънавий қадриятларни юксалтириш каби ғояларини ўзига хос талқин этилганини кўриш мумкин.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Маҳмудхўжа Бехбудий ижодида миллий тараққиёт тамойилларининг фалсафий-концептуал асосларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг эътиборлари тамонларини илмийлик асосида ўрганишдан иборат.

¹ Бехбудий М. Танланган асарлар. -Тошкент.:Маънавият, 1999.-228-бет.

² Фитрат А. Раҳбари нажот. -Тошкент.:Шарқ, 2000.- 176-бет.

³ Авлоний А.. Танланган асарлар Т-1. -Тошкент.: Маънавият, 1998. -328-бет.

⁴ Абдурашидхонов М. Хотираларим. -Тошкент.: Шарқ, 2001.-268-бет .

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодий меросининг ўзига хослиги ва унинг турли соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилишига ойдинлик киритиш;
- Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифатчилик ҳақидаги қарашларини ўрганиш;
- Миллий тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳақидаги қарашларини қиёсий тадқиқ қилиш;
- Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асарида таълим-тарбия ва ахлоқий қарашларни таҳлил қилиш;
- Ёшлар тарбиясида миллий ғоя ва маърифатпарварлик ғояларининг ўзаро алоқадорлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;
- Баркамол авлод тарбиясида жаҳид маърифатпарварлигининг ўрнини ўрганиш ҳамда бу борада илмий хулосалар ҳамда амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти: Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодий меросининг маънавий-маърифий жиҳатлари.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Маҳмудхўжа Беҳбудий ижоди ишнинг объектини, мутафаккир таълимотидаги миллий тараққиёт тамойилларининг фалсафий-концептуал асосларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ишнинг предмети ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг методлари. Битирув малакавий ишда ўзаро алоқадорлик, объективлик, системалилик, ворисийлик тамойиллари, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, мантиқийлик, диалектика, синергетика каби усулларига таянилади.

Битирув малакавий ишининг янгилиги:

- Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодида миллий-маънавий тараққиёт тамойилларини очиб берилганлиги;
- Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳақидаги қарашлари қиёсий ўрганилди;

– ёшлар тарбиясида миллий ғоя ва маърифатпарварлик ғояларининг ўзаро алоқадорлигини илмий-амалий жиҳатдан асосланди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти, ундаги Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодида миллий тараққиёт тамойилларининг ўрни ҳақидаги ижодий фикр-мулоҳаза, ёндашув ва назарий хулосалар фалсафа тарихи, жадиличилик фалсафаси каби илм соҳаларини бойитади. Изланишлар натижаларидан Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар “Тасвирий Ойна” ижодий уюшмаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ҳамда бошқа фан ва таълим, маънавият-маърифат тизимидаги субъектлар фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг синовдан ўтиши. Битирув малакавий иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети “Фалсафа тарихи ва мантиқ” кафедрасида тайёрланган ва ҳимояга тавсия этилган (26 март 2014 йил, 15-сонли мажлис баённомаси).

Битирув малакавий иши натижаларининг эълон қилинганлиги. Муаллифнинг мавзу юзасидан республика конференциялари ва илмий тўпламларида 3 та мақола ва тезислари чоп этилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши “Кириш”, олти параграфни ўз ичига олган икки боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати”дан иборат, матннинг умумий ҳажми 77 бет.

I боб. Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодий меросини тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари

1.1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-маърифий ҳаёт

Туркистон жадиidlари таълимотида инсон маънавий камолоти учун йўналтирилиши зарур бўлган барча омилларни такомиллаштириш ва уйғунлаштириш масаласи асосий ўринда турганлиги бежиз эмас. Уларнинг нуқтаи назарича ижтимоий тараққиётнинг муҳим белгиларидан бири, бу исломнинг баркамол авлодни маънавий тарбиялашдаги ўрнини тўғри талқин қилиш, диний бағрикенглик тамойилларини барқарор этишдан иборатдир. И.А.Каримовнинг: “Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи билан, маданий-маънавий салоҳияти билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтиришга, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан мусулмон оламида бекиёс мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боболаримизнинг бу борадаги унутилмас хизматларини ислом дунёсида ҳеч ким инкор этолмайди”¹, – деган фикрлари мантиқан Туркистон жадиidlарига ҳам дахлдордир.

XIX асрнинг 50-80 йиллари давомида Марказий Осиё тўлалигича чор Россияси томонидан босиб олинди. Мавжуд Қўқон хонлиги 1875 йилдаёқ бутунлай тугатилди, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мустақилликдан маҳрум этилиб, Россия вассалига айлантирилди. 1867 йил 14 июлда Россия подшоҳи Александр II фармони билан Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилди, унинг биринчи генерал-губернатори этиб генерал фон Кауфман тайинланди. У чексиз ҳуқуқларга эга бўлиб, фақат Россия подшоҳигагина бўйсунар эди. Номидан кўриниб турганидек, бу ҳукумат ҳарбий кучга асосланган эди, унинг ҳукмдорлари ҳам ҳарбий эди, генерал-

¹ И.А.Каримов. Эғали юрт эркини бермас. //Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошент. «Ўзбекистон», 2001. 70-бет.

губернаторлик тасарруфидаги областлар, уездлар, волостлар начальниклари – ҳаммаси ҳарбий хизматчилардан, юқори унвонли зобитлардан тайинланарди, генерал-губернатор албатта генерал унвонига эга бўлар эди. Туркистон ўлкаси катта ҳарбий куч билан занжирибанд этилди. Генерал-губернаторлик Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Ёттисув ва Каспий орти вилоятларини ўз таркибига олиб, Тошкент унинг пойтахтига айлантирилди.

“Туркистон вилоятининг газети” ерли аҳолини руслаштириш сиёсатида, рус урф-одатларини, рус-тузем мактабларини тарғиб-ташвиқ қилиш ишида катта фаолият кўрсатди. Газетанинг умумий сиёсий йўналиши ҳақида Зиё Саид қуйидагиларни ёзган эди: “1884 йилда Туркистон генерал-губернатори бўлиб тайинланган Рузенбахнинг фармони билан 1885 йилдан бошлаб газетанинг бир томони русча бўлиб чиқади. Бунинг сабабини газета муҳаррири (бу вақтларда энди Остроумов муҳаррир) бундай деб кўрсатади: “Чунончи, ул баланд даражалик ўтган йил Самарқанд ва Фарғона музофотларига бориб қайтиб келгандан сўнгра мен газет муаллифига меҳрибон бўлуб айтиб эрдиларким, Туркистон вилоятидаги бул газетни ўқуйдурғонлар ва ҳам бир озгина Русия хатини танийдурғон одамларга фойда еткурмоқлик учун бул газетни келадурғон йилда Русия тилида таржима қилиб чиқарилса яхшироқ бўладур деб...”. Рузенбах Туркистон генерал-губернатори бўлиб белгилангандан кейин, газета бетида “Ёрликлар учун рус мактаблари керак” деган мавзуда ёзилғон мақола ва хабарлар кўрина бошлайди. Яъни руслашдириш сиёсати ва ерлик халқдан чор чиновниклари ҳозирлар масаласи шу Рузенбах келгандан кейин матбуот майдониға яна кескинроқ қўйилади. Бу нарса шуни кўрсатадигим, газетанинг бир томонини русча қилиб чиқариш, мана шу масала теварагида қилинаётган ишлар ва қўрилаётган чораларнинг мағзини чайнаб кўришдан ибратдир. Бутун сарлавҳаларни русча қўйиш (шу йиллардан бошлаб бутун мақола ва

хабарларнинг сарлавҳалари русча қўйила боради) рус тилини умумлаштириш учун бўлса керак”¹.

Мустамлакачилар ўлкага фақат моддий зарар келтириш билан чекланмадилар, унинг маънавиятини, тилини, динини, миллий ҳис-туйғуларини оёқости қилдилар. Қадимий шаҳарларимиздаги осори-атиқалар, ноёб қўлёзма асарлар Петербург, Москва шаҳарларига бетиним ташиб кетилди. Булар орасида мусулмон дунёсининг муқаддас китоби “Усмон Қуръони” ҳам бор эди. Бу ҳақида маърифатпарвар Исҳоқхон Иброт қуйидагиларни ёзган эди: “Ҳазрати Усмон, разиоллоҳу анҳу, Қуръони қадимий кўфий хати ила китобат қилдилар. Ул каломи Оллоҳни соҳиби Қуръон Амир Темур Курагон Исламбулни олганда хазина бўлиб, Самарқанд шаҳрига келтурган, ўз ҳузурида муҳофазат қилиб, фавтидин сўнг Ҳазрат Шоҳизиндагиндларига, андин подшо Россия императорлар олдуруб, Петербург шаҳрида сақланмоқда”².

1873 йилда генерал фон Кауфман Хоразм хонлигини истило қилган вақтда, истилочи қўшинлари сафида шарқшунос профессор А.Л.Кун ҳам қатнашган. У истило вақтида қўлга киритилган мингга яқин ноёб қўл ёзма китобларни, ҳужжатларни рўйхат қилиб, уларни таснифлаган ва Петербургга олиб кетган. Ушбу қўл ёзмалар орасида Абулғози Баҳодирхон, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийларнинг ўнлаб асарлари бўлган.

Маънавий обидаларимизни ташиб кетишда В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Л.Кун, Н.Петровский, А.Н.Самойлович каби шарқшуносларнинг “хизмати” катта бўлган. Этнограф, археолог Акрам Асқаровнинг турли даврларга мансуб 14000 танга ҳамда 200 дан ортиқ нодир қўлёзма асарлар коллекциясини Петербургга жўнатишда Н.И.Веселовский бош-қош бўлди. А.Асқаровнинг бу хизматларини Россия археология жамияти кумуш медал билан тақдирлади. Мана шундай арзон-гаров

¹ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар, Самарқанд-Тошкент, 1927, 22-бет.

² Исҳоқхон Иброт. Жомеъул-хутут, Наманган, “Матбааи Исҳоқия”, 1912 йил, 16-бет.

унвонлар, орден-медаллар учун баъзи бир ҳамюртларимиз халқимизнинг ноёб осори-атиқаларини, ўлмас асарлар қўлёзмаларини босқинчиларга қўшқўллаб топширдилар.

Тошкент шаҳар, Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли ҳамда генерал Жўрабек Додхў вафот этганда, В.В.Бартолд уларнинг кутубхонасидаги нодир китоблар билан қизиқиб, айниқса Муҳиддинхўжа қози кутубхонасидаги жаҳонда ягона нусха ҳисобланган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, ноёб қўлёзма “Тарихи Табарий” асарларини қандай бўлмасин, ҳукумат тасарруфига ўтказиш ҳақида Н.Остроумовга ёзган хатларида қайта-қайта таъкидлаган эди.

Ноёб қўлёзма асарларнинг келгиндилар томонидан ташиб кетилишига қарши Оренбургда Фотиҳ Каримий муҳаррирлигида чиқадиган “Вақт” газетаси ҳам катта ташвиш билан қуйидагиларни ёзган эди: “Бу ерда (Туркистонда – У.Д.) улкан эски асарлар очкўз мужовур (қўшни)лар тарафиндан Оврупа сайёҳларина йўқ-бор ақчалар баробарина ва рус маъмурларина ҳадя эдиланарак верулуб битмушдур... Азиз ва нодир асарларнинг бўйла равишда талоф ўлмоқлари учун таассуф этмояни кимса инсон дагилдур”¹.

1909 йилда Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг 2-сонида Аҳмаджон Бектемиров “Туркистон вилояти” номли мақоласида Хива, Бухоро, Самарқанд каби мусулмон оламининг йирик шаҳарларидаги осори атиқа ва маданият обидаларига рус мужикларининг муносабати ҳақида куюниб ёзган эди: “Тамоман муҳожир руслар келуб, ерлашуб битгандан сўнг керакли ва осори отқага мансуб шайлар йўғолуб битажагина шубҳа йўқдур. Чунки муҳожир мужик руслар мусулмонларга нисбатан мутаассиб ва жоҳиллардр. Шул сабабли тарихга оид ўлган шайлар қадрсиз ўринларда қолажак, ёки бутун-бутун маҳв ўлажаклардур”.

¹ “Вақт” газетаси, 1907-йил, 213-сон.

Марказий Осиё чор Россиясининг тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлайдиган асосий хом ашё базасига айлантирилди. Пахтага бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ошиб бориши пахта тозалаш, ёғ, совун заводларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ўлкада маҳаллий пахтачи, заводчи бойлар, Россиянинг марказий шаҳарлари билан алоқа қилувчи “масковчи” бойлар пайдо бўлди. Рус капиталистларига рақобат қилувчи нисбатан анча заиф бўлса-да, маҳаллий буржуазия пайдо бўлди. Масалан, Фарғона вилоятидаги катта-кичик 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси маҳаллий буржуазия кўлида эди. Ўлкада капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши билан ярамас, ўта салбий иллатларни ҳам олиб келди. Бу иллатлар маҳаллий халқ ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсата бошлади: меҳмонхоналарда, ресторанларда ифлос ишлар билан шуғулланиш, “доим фиён” (И.Ибрат) бўлиб юриш ҳоллари вужудга келди. Бу ҳақда академик В.В.Бартолд куйидагиларни ёзади: “Ерли аҳолининг руслар билан яқинлашиши, рус тилини ўрганиши натижасида рус ҳаётининг асосан ташқи, салбий томонларини ҳам ўзлаштирдилар. Фаҳш ҳаёт кечиришга, вино, пиво ичишга ўргандилар...”². Бунинг устига, Россия ҳукумати ҳам мустамлака ўлка халқлари маънавиятини, диний эътиқодини бузиш учун ароқ, вино ва пиво билан савдо қиладиган махсус дўконлар тармоғини кенгайтирди, фоҳиша аёлларнинг ўлкага оқиб келишига катта имкониятлар яратди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмасидаги фоҳиша аёл Лиза ва ресторан ходими Артун, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Мария Острова, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги ресторан фоҳишалари образида Россиянинг ушбу сиёсати фош этилгани тасодифий ҳол эмас.

Жадид мутафаккири, атоқли педагог Исҳоқхон Ибрат “Бўлубтур” радифли ҳажвиясида мана шундай ҳаётий лавҳаларни берар экан, унга ўзининг нафратини ифодалаш билан чекланмайди, балки бундай ҳаётни

² Бартольд В.В. Сочинения в девяти томах, II том (часть 2). -Москва, 1963. -С. 345.

вужудга келтирган фактор сифатида Ўрта Осиёнинг, жумладан, Қўқон хонлигининг Россия томонидан босиб олинishi билан боғлайди:

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,
Ичкиликка халқ роғиб, доим фиён бўлубтур.

Маҳбуба нақшихонлар, кўзи қаро жувонлар,
Гастинсаларда юруб, сарфи зиён бўлубтур.

Манзума соли таърих, бу даҳри инқилоби,
Минг икки юз тўқсон икки¹ баён бўлубтур.

Мустамлакачилар маҳаллий халқ урф-одатларини, диний ақидаларини менсимаслик йўлидан бориб, ислом дини обидаларини вайрон қилдилар, улар ўрнида православ черковларини бунёд қилдилар. Бу билан улар Туркистон ўлкасида инсонлар онгидан ислом маърифатини сиқиб чиқариш мақсадини ўз олдиларига қўйдилар. Генерал М.Черняев Туркистон шаҳрини босиб олиш жараёнида Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутди, тўп излари битмас чандиқ каби ҳозир ҳам сақланиб қолган. Робия Султонбегим мақбарасини эса вайрон қилиб, ғиштларини казарма қурилишига ишлатгани маълум. 1868 йилда генерал-губернатор фон-Кауфман бошчилигида Самарқандни босиб олган мустамлакачилар Улуғбек, Тиллакори, Шердор каби мусулмон оламининг донгдор мадрасаларини казармага айлантирдилар, отхона сифатида фойдаландилар.

Асрлар давомида мусулмон оламида аълам, муҳтасиб, раис каби лавозимлар бўлган. Бу мансабдорлар бозордаги нарх-навони текшириш билан бирга, одамларнинг хулқ-атфोरини, вақти-бевақт кўча-кўйда бекор юрувчи эркагу аёлни, айниқса, мактаб ва мадраса ёшидаги йигитларни

¹ Минг икки юз тўқсон икки – 1292 ҳижрий – 1875 йил Қўқон хонлигини босиб олган йили.

назорат қилиб турган, ҳатто жазолаган ҳам. Шу йўл билан ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, қиморбозлик каби нопок ишларнинг олди олинган. Мустамлакачилар бу лавозимларни бекор қилдилар, бу ҳам миллат ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб мустамлака Туркистон ўлкасида янги йўналишдаги маърифатпарварлик вужудга келди. Бу йўналишнинг тепасида Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Сатторхон Абдуғаффоров, Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Хўжажон қози Рожий Марғиновий, Жўрабек додхоҳ Қаландарқори ўғли, Инъомхўжа Умриёхўжа ўғли, Исҳоқхон тўра Иброт, Саидрасул Саидазизов каби етакчи зиёлилар ва жамоат арбоблари турдилар. Улар ўз амалий ва ижодий фаолиятларида рус тилини чуқур ўрганиш, шу орқали ривожланган Орупо маданияти ва илм-фанини эгаллашга ундадилар. Бу билан улар халқнинг ўзлигини таниши, охир оқибатда мустамлака исканжасидан озод бўлиш мақсадларини кўзладилар. Маърифатпарварларнинг бундай фаолияти, биринчидан, мустамлакачилар сиёсатига бутунлай зид бўлиб, уларнинг таъқиб ва тазйиқларига учраган бўлса, иккинчидан, маҳаллий мутаассибларнинг “Исҳоқ кофир” (Исҳоқхон Иброт), “Чўқинди қози” (Сатторхон Абдуғаффоров), “Насора махзум” (Саидрасул Саидазизов) каби дашномларига, бўҳтонларига дучор бўлди. Аммо буюк олижаноб мақсад туфайли улар ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб бордилар. Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирлар мустамлака Туркистоннинг ягона газетаси “Туркистон вилоятининг газети”дан ўзларининг эзгу орзуларини халққа етказиш учун минбар сифатида фойдаландилар. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғаффоровнинг куюниб айтган сўзларига эътибор беринг: “Биз таворих китобларидан кўрамизки, ҳар бир халқ ўзларига яқин ҳамсояларидан ҳар навъ илмларни ҳар вақт ўрганиб ва ҳам ўзларига яқин мамлакат халқига ўргатиб келганлар. Аммо биз Туркистон вилоятидаги мусулмон халқи ўз илмимизни даражали камолга еткурмоқ ул тарафда турсун, балки бурунги

илмларимиз ҳосил қилган ва ошкоро этган китобларни ҳам аксарларини яхши ва тоза фаҳламайдугон бўлуб қолганмиз. Аввало бизларга лозимдурким, обо ва аجدодларимизни тараддудлари бирлан ошкоро бўлунгон илмларни таҳсил қилмоққа ружу қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунги олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларга таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳамма халқдан ул бобда пастлик мақомида қолсак. Иккинчи, мазкур мақсудни ҳосил қилмоқда ўрусия тилини билмоқ ҳам ҳеч бир зарар еткурмас эди, балки фойда еткурур эрди. Чунки ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топқон илмлар ва бошқа халқдан ўрганган илмларни бизлар ҳам билиб, тирикчилигимизга нафъи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эрдук”¹.

Тошкентдаги Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли чор маъмурларининг мустамлака халқни нодонликда, жаҳолатда сақлашдек қабих сиёсатига қарши халқ фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида жонбозлик кўрсатди. У рус тилини ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида 1885 йили 3-рус-тузем мактаби учун махсус бино қуриб берди. (У вақтларда рус-тузем мактабларининг бирортасида махсус ўқув биноси йўқ эди-У.Д.).

Миллат келажагида аниқ фанларнинг буюк аҳамиятини тушуниб етган машҳур маърифатпарвар Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли XIX асрнинг 90-йилларида Эшонқули додхоҳ мадрасаси мударриси сифатида мадрасаларда физика фанини ўқитиш масаласини кун тартибига қўйди, физикадан тажрибалар ўтказиш учун физикавий асбоблар йўқлигини ҳукумат маъмурияти доирасига олиб чиқди². Албатта, миллат истиқболида муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай таклиф мустамлака маъмуриятига маъқул тушмади ва эътиборсиз қолиб кетди.

Хуллас, XIX асрнинг 80-90-йилларида фаолият кўрсатган, юқорида номлари тилган олинган маърифатпарварларнинг деярли барчаси генерал-

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1883 йил, 15 феврал, 6-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 1009-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 17-саҳифа.

губернаторлик эътиборидаги турли мансабларда бўлган жамоат арбоблари эдилар. Улар ўз мансабларидан фойдаланиб, ниҳоятда оғир вазиятда фаолият кўрсатишга, баъзан мустамлакачиларга ён беришга мажбур бўлдилар. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқини жаҳолатдан, асрий қолоқликдан олиб чиқишга бор имкониятлари билан ҳаракат қилдилар. Ҳақиқий мақсадлари чор ҳукумати маъмурларига маълум бўлиб қолган бу мутафаккирлар таъқиб ва тазйиқларга, қамок ва сургунларга дучор бўлдилар: бунга Сатторхон Абдуғаффоров, Жўрабек Қаландар қори ўғли, Шарифхўжа қози Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа қози Ҳакимхўжа қозикалон ўғли кабиларнинг қисмати мисол бўла олади. Қолаверса, мана шу улуг зотлар Туркистон ўлкасида усули савтия мактабларининг ҳам биринчи ташкилотчилари ва тарғиботчилари сифатида майдонга чиқдилар.

1.2. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатчилик ҳақидаги қарашлари

Буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йили Самарқанд шаҳрида муфтий оиласида дунёга келди. Зиёлилар оиласидаги муҳит ундаги адабиётга, сиёсатга, маърифатга бўлган қизиқишини тезроқ рўёбга чиқишига етаклади. Унинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар яратган эди. Бу ўз навбатида Маҳмудхўжага ўз таъсириги ўтказмай иложи йўқ эди. Кейинчалик бу ҳақда у ўз мақолаларидан бирида отаси таълим берган «Ҳидоя» (Ислом ҳуқуқига шарҳлар) асарининг унинг тақдирида муҳим рол ўйнаганлигини бежиз қайд этмайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий адабиёт, тарих фанлари қатори сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланади. Рўзнома ва ойпомалардан жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеалар билан яқиндан танишиб боради. У Маккага бориш мақсадида араб тилини ўрганишга киришиб, ислом тарихи ва назарияси билан шуғуллана бошлайди. 1902 йилда Маккага бориб, хўжа ва муфти унвонларига эга бўлиб қайтади. Сўнгра Қозон ва Уфа шаҳарларида бўлиб, Оврўпо маданияти билан ҳам қизиқади. Ўша даврдаги Қозон, Оренбургда чиқадиган араб имлосидаги жарида ва рўзномалар билан ҳамкорлик қилади. Унинг қатор мақолалари ҳам мазкур рўзнома ва ойномаларда чиқа бошлайди. Мактаб, маориф, маданият, маърифатпарварлик ғояларининг тарғиботи ушбу мақолаларнинг марказида турарди.

Бехбудий дунёқарашида Россиядаги энг нуфузли бўлган Кадетлар партиясининг аъзолари билан учрашув ва улар ҳаракатномаларининг таъсири катта бўлади. 1910 йилларга келиб, ўлкамизда «Шўрои Исломия», «Уламо», «Адолат», «Ёш бухороликлар» каби фирқалар пайдо бўлади. 1912-1913 йилларда Бехбудий Самарқандда «Самарқанд» рўзномаси, «Ойна» жаридаси чиқишида жонбозлик кўрсатади. У 1914 йилда Туркия, Мисрга бориб, у

ердан муҳим китоблар, ўқув қўлланмалари келтиради, янги усулдаги мактаб дастури устида ишлашга киришади. Бироқ, у турли тўсиқларга учраб, «жадидчилик» раҳнамоси, дахрий деб эълон қилинади. Шунга қарамай, татар мутафаккири Исмоил Гаспринлининг маърифатчилик борасидаги таълимотини қўллаб-қувватлаб, ўз ўлкасида ҳам шундай ишларни амалга оширишга киришади, кўп ўтмай маърифатпарвар сифатида ўз халқи ҳурматига киради. У бир қатор жаҳон тилларини билган юксак маданият соҳиби бўлиши билан бирга, умуминсоний маданиятнинг толмас тарғиботчиси ҳам бўлган.

Бехбудий адиб сифатида ўзининг «Падаркуш» драмасини яратган. Унда туркистонлик ёшларни Оврўпо илмгоҳларида ўқитишни тарғиб қилган. Мазкур асар ўз даврида А. Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Мирмуҳсин Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой», Ҳамза Ҳакимзоданинг «Янги саодат» каби асарларининг яратилишига ҳам таъсир кўрсатган. Ҳатто у Американинг Калифорния дорифунунида таржима ҳам қилинган. Бундан ташқари, Бехбудий ўзбек ва тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Жумладан, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» (1903 йил, «Қисқача умумий жуғрофия»), «Китобул атфол» (1904 йил, «Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» (1904 йил, «Ислом қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом» (1905 йил), «Россиянинг қисқача географияси» (1908 йил) каби дарсликлар, китоблар ёзган. Унинг мақолалари 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Меҳнаткашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржимон», «Шўро», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойина» каби рўзнома ва ойномаларда чоп этилган. Албатта, Бехбудий қозонаётган бундай шуҳрат ҳоким синфлар ва амалдорларнинг ғашига тега бошлайди. Уни Бухородаги инқилобий кучларга хайрихоҳликда айблаб, Саид Олимхон томонидан 1918 йилда Қаршида қатл қилинади. Қарши шаҳри 20—30 йилларда Бехбудий

номи билан аталиб келинади. Маҳмудхўжа Бехбудий 1956 йилга келиб оқланади. Ҳозирги кунда у қолдирган ранг-баранг адабий-маданий мерос ўз халқи хизматиға кирмоқда.

С.Айний ёзганидек: «Жафокаш шоир Бехбудийнинг номини мусулмон Шарқи ҳурмат билан тилга олади, чунки у 20 йил мобайнида оъзининг онги ва инсоний қадр қимматини билган барча мавжудотни эркин ҳаёт, нур ва маърифат учун курашга чорлаб келди».

1899–1900 йилларда Бехбудий Бухоролик дўсти Хожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. “1318 санаи хижрияси тавофи Байтуллоға Кавказ йўли ила Истамбул ва Миср ал – Қохҳира воситасила бориб эдим Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди”¹, – ёзади Бехбудий бу ҳақда. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди Унинг ташаббуси билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳолвойи, Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. У ушбу мактаблар учун дарсликлар ёза бошлайди. Кетма – кет унинг “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905), “Китобат – ул атфол” (1908), “Амалиёти ислом”(1908), “Тарихи ислом” (1909) каби китоблари пайдо бўлади.

Бехбудий “Усули жаид” мактаблари учун мўлжалланган бу китобларининг маърифий, ахлоқий ҳамда эстетик аҳамияти жуда катта бўлган. У хат ёзмоқ шартлари ва намуналарини “Китобат – ул атфол” “болалар мактуби”да шундай нозиклик ва истеъдод билан баён этадики, уларда, аввало, тил софлиги, уни мукаммал эгаллаш, тил тараққиёти ва бойиши сингари эстетик муаммолардан ташқари, инсон маънавияти, одаби ва ахлоқининг оинаси бўлган хат турлари ҳам кўрсатиб берилади.

Бехбудий ўз ховлисида мактаб очиб ёшларга илм-маърифат тарқатади. Рус босқинчилари уни таъқиб қилиб, уйини тинтув қилишар эди. Шундай кезларда у жуғрофия, тарих, ҳисоб ва бошқа китобларни молхонадаги охурларга яшириб сақлаб қолар эди. Шундай вазиятларда ҳам Маҳмудхўжа

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий. Қасди сафар, “Ойна” ж., 1914, № 31.

Бехбудий ўз мактабини, кутубхонасини, ўқувчилар ва атрофидаги зиёлиларни илмий–адабий, ижтимоий–сиёсий катоблар билан таъминлаб турар эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқа жадидлар барча мақсадларини фақат маърифат воситасида амалга оширишни кўзлар эдилар. Улар миллий мустақиллик учун мустамлакачиликка, жаҳолат, зулмат ва қолоқликка қарши курашда илм – фанга суянардилар. Шунинг учун ҳам бутун фаолиятларини мактаб, маориф, диний, табиий илмларни ривожлантиришга қаратганлар.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1903–1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёхат эмас, хизмат сафари эди. М: Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданиятига бағишланган қурултой чақирилади. Бехбудий ушбу қурултойда Туркистонлилар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди.

25 кунга чўзилган бу сафар ҳақида Бехбудий кейинчалик шундай маълумот берган эди: “1325санаи хижриясинда Русия мусулмонларининг мухтарам зиёли ва ақобирларининг Нижни Ёрминкасинда миллий ишлар тўғрисида машварат қила турган мажлисга Мушарраф бўлмоқ учун Ўринбург йўли ила Маскуф, Петербург, Қозон воситасила Нижни Новгўруд бориб эдим”¹

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг ахволидан, кундалик ҳаётдан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин миллат учун шундай ойна керак эдики, унда ўз қабохатини ҳам малоҳатини ҳам кўра олсин. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. Жадидлар ўзлари учун вужудга келган ана шундай оғир бир шароитда маърифатчилик ҳаракатини нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш ва кенгайтириш йўлини танладилар. Бу-театр эди. Мазкур янги ўзбек театри

¹ “Ойна” ж., 1914 № 31

ва драмасига юқорида тилга олганимиз Туркистон жадидларининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий асос солди. Унинг 1911 йилда ёзилган «Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли» (Туркистон маишатидан олинган ибратнома), 3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожеа» деб аталган пьесаси чор цензурасининг узоқ қаршиликларидан сўнг, китоб жилдига “Бородино жанги ва Россиянинг француз босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади” деган ёзув билан Тифлис цензурасидан руҳсат олиниб, 1913 йили Самарқандда алоҳида китобча шаклида нашр этилади. Босиб чиқилгандан кейин ҳам сахнага қўйиш учун ҳам яқин бир йил вақт кетади ва у 1914 йил 15 январда илк бора сахнага қўйилди. «Ойина» журналининг ўша кунларда хабар беришича, 320 ўринлик театр залига яна 50 та қўшимча жой қилиниб, чипталар баланд нархларда аввалдан сотилган, уч-тўрт юз киши эса томошага киролмай, қайтиб кетишга мажбур бўлган¹.

Спектакл ўз маишатиغا ўралиб, дунёни унутган миллатдошларга жуда каттиқ таъсир этади. У Тошкентда 1914 йилнинг 27 февralида қўйилди. «Падаркуш» пьесасининг нашр этилиши 1913 йилда Тошкентда ҳам ҳаваскор театр труппаси вужудга келишига турки бўлади. Дастлаб Абдулла Авлоний раҳбарлик қилган бу труппа 1914 йил охирида “**Турон**“ тўдаси деган расмий ном олди. Бу театр ўз фаолиятини манашу “Падаркуш” билан бошлаган эди. Спектакл бошланишидан олдин Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бош ролни Абдулла Авлонийнинг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунни “**тарихий кун**” деб ёзади.

Драма бир томондан миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда катта аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, профессионал ўзбек театри ва драммачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим ҳизмат қилди.

¹ Ризаев Шухрат. Жадид драмаси. – Тошкент. : Шарқ нашриёт –матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. - 53-54 б.

1915 йили эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Қўқонда ўз труппасини ташкил этди.¹ Шундай қилиб, икки йилнинг нари-берисидаги жуда қисқа муддат ичида Туркистон ўлкасидаги асосий йирик шаҳарларда театр ҳукмрон санъат турига айланди. Жадидлар пьесани “ибратнома”, театрни “ибратхона” деб атадилар. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзи “Ойина” журналида чоп этилган (1914йил, 29 сон) “Теётр надур” мақоласида шундай деб ёзади:

“Сўзни қисқаси, теётр хоналари масҳарабозхона бўлмай, балки ибратхонадир. Ва онда мушаххис булатурғонлар “ўюнчи ва масҳарабоз” бўлмай, балки мушаххис ва муаллими ахлоқдурлар.”²

Тошкент жадидларининг раҳбари Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам худди шу йилнинг 27 феврилида “Колизей” театри биносида “Турон” труппасининг расмий очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида шунга яқин фикр билдириб, шундай дейди:

“...баъзи кишиларимиз тиётирға, эҳтимолки, ўйинбозлиқ ёхуд масҳарабозлук кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётирнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби деган сўздур. Тиётр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур. Ва бу сахнада кўзига ёмон кўринган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр қилмоқға ҳаракат қилур”³.

“Ибратхона” мазмунини ифодаловчи ибораларни биз Оврўпо маърифатпарварлигида ҳам учратамиз. Чунончи, буюк олмон мутафаккир-шоири ва драматурги Фридрих Шиллер 1784 йили ёзган мақолаларининг бирини «**Die schaubuhne als eine moralische anstalt betrashtet**» - «Театрнинг ибратхона сифатида олиб қаралиши» деб атайди.⁴ Бу жадидларнинг жаҳон адабиёти ва санъати тарихидан бохабарлигидан, ўз даври маданияти билан ҳамқадамлигидан далолат беради.

¹ Ўша манба 73 б.

² Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.- Тошкент. : Маънавият, 1999. - 175б

³ Абдурашидхонов Мунаввар қори. Танланган асарлар.-Тошкент. : Маънавият, 2003. - 153-154 б.

⁴ Schillers Werke,gn fünf banben Erzter band , Afban-Verlag, Berlin und Weimar, 1969. - .S 237

Хуллас, театр жаиди зиёлилари учун ўзига ҳос, янги ва қулай минбар вазифасини ўтай бошлади. Улар сахнадан туриб Туркистон аҳлини жаҳолат ва нодонлик қабридан чиқишга, юксак ахлоқийликка, маърифатга, замонавий цивилизациядан йироқ турмасликка чақирар эдилар. Шу жиҳатдан Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси сўнггидаги зиёли монологи дастурий аҳамиятга эга: «Дунёда тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар беилмликлдан, - дейди у сахнадан халқ - томошабинга мурожаат қилиб. - Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ямон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоқиға ўқумок ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур.»¹

Ана шу парчани барча жаиди спектакллари учун умумий лейтмотив дейиш мумкин. Бехбудий бошлаб берган оврапча драма жанри жуда тезкорлик билан ривожлана бошлади. «Падаркуш» дан сўнг, кейинги уч-тўрт йил ичида Абдурауф Шахидий, Нусратулло Қудратулло, Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Гулом Зафарий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Хуршидлар ўз пьесаларини яратдилар.² Натижада, юқорида айтганимиздек, театр Туркистоннинг йирик шаҳарларида оммавий томоша тусини олди, халқнинг маърифий-ахлоқий савиясини, бадий-эстетик дидини юксалтиришда ва янги ғояларни тарғиб этишда мислсиз ҳизмат қилди.

Шундай қилиб, театр жаидчилиқ ҳаракатининг тўрт устунидан бири - унинг ахлоқий-эстетик асосини шакллантирувчи бош омил сифатида майдонга чиқди; жаидчилиқ — янги илғор ғояларни, миллий истиқлол-мустақиллик идеалларини бадий қиёфаларда гавдалантирди ва шу аснода сахна орқали миллатнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик, ғоявий-

¹ Бехбудий Махмудхўжа. Танланган асарлар.-Тошкент. : Маънавият, 1999. - 49, 50 б.

² Ризаев Шухрат. Жаид драмаси –Тошкент. : Шарқ нашриёт – матбаа концернинг бош тахририяти, 1997. - 129 б.

мафкуравий тарбиясини йўлга қўйди, унинг сиёсий онгини ўстиришда улкан аҳамиятга эга бўлди.

Бехбудий зиёлини чуқур ва кенг маънода тушунади. У зиёли, “образованный” сўзларига кенг маъно беради. Фақат замонавий кийим кийиб, чала-чулпа русча гапириб, ўз дини ва она тилини билмайдиганлар сингари, фақат диний тахсил кўриб, замондан орқада қолган кишиларни ҳам Бехбудий зиёли санамайди. Маҳмудхўжа Бехбудий миллат ва шахс камолини бевосита замонавий талаблар ва маънавий юксалишда кўради. Замон тараққиёти, тарих ва жуғрофия, миллат адабиёти ва фалсафасидан воқиф бўлмаган “уламои замон”нинг маълумоти саёздир. Маълумотли кишиларга биринчи навбатда миллат мухтождир. Буни на ҳукумат, на диний уламолар тушуниб етадилар. Агар тушуниб етишганларида, дейди Бехбудий, Тошкент, Самарқанд, Хўқандлардаги гимназия ва реал мактабларда кўплаб талабалар ўқиб савод чиқарган бўлардилар.

Бехбудий фақат диний мактабларнигина эмас, рус-тузем мактабларидаги аҳволни ҳам танқид қилади. “Русский-туземный мактабларда ўқиганлар зиёли тугул, ҳаёли ҳисоблаймайдурлар. Улар фақат чаласавод кишилардур. Зиёли қаторига кирмоқ учун бошқа олий ҳад (даража) тахсил лозимдур. Русча тахсил қилгон илм ва фунунни ва Ватан ҳам динларига айтиб бермоқға кифоя қиладурғон, миллий дин ва қалам соҳиби бўлмоқ керакдур. Вале маданиятни социализация илмидан ... бошқасини билмайдурғон... зиёлилардан бизга у кўзлаган манфат асло тегмайдур...”¹

Маҳмудхўжа Бехбудий ахлоқ - одоб ва таълим-тарбия ҳақида фикр билдирар экан, мустамлакачилик даврида бу ишда мувоффақиятларга эришишнинг бирдан бир йўли ўлкада ўзаро ихтилофларга барҳам бериб, аҳиллик билан илм – фанни ривожлантирш эканини айтади. Катталар ва муаллимларга мурожаат қилиб, уларни ёшларни билимли қилишга, меҳнатга жалб этишга даъват этади. “Ёшлар, - дейди у, - истайдурларки,

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий. Эҳтиёжи миллат // Совет Ўзбекистони. 1990. 18.09.

миллатга ва халқ оммасига хизмат этсалар ... Олдимизда иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак... Агар биз таълим – тарбия ишларини шу руҳда олиб бормасак туронликларга на хуррият қолур, на мухторият берилур...”¹ Беҳбудий таълим – тарбия ишини ижтимоий ҳаёт, жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеалар билан боғлиқ ҳолда олиб боришни талаб этади.

Хуллас, Беҳбудий исломнинг инсонпарварлик ролини кўрсатиш орқали, умуман жамиятнинг ҳамма ижтимоий соҳаларини ислоҳ қилиш зарурлигини тарғиб қилган. Қуръоннинг тавсифини жуда яхши билган Беҳбудий Қуръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан халқ таълими, шу билан бирга ислом тарихига ҳам катта аҳамият берган. У ислом тарихини билмаслик оқибатида аксарият ҳолларда ўнғайсиз ҳолатга тушиб келаётган дин пешволарини танқид қилади². Юқоридагилардан Маҳмудхўжа Беҳбудий фақат ислом дини эмас, балки бошқа дунёвий динлар, ҳатто ибтидоий ва миллий давлат динлари тарихидан ҳам хабардор эканлиги, диншунослик билан шуғулланганлиги ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлигидан далолат беради. Шунинг учун унинг турли динлар, жумладан, ислом дини тўғрисида билдирган фикрларидан, фалсафа, фалсафа тарихи ва диншунослик фанларининг баъзи масалаларига ойдинлик киритишда фойдаланиш мумкин.

¹ Зуннунов А. Хайруллаев М. Педагогика тарихи. -Т., 2002

² Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тарих ва жуғрофия. // Ойина. 1914. 27-сон. –502-505-б.

1.3. Беҳбудийнинг миллий тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳақидаги қарашлари

1913 йилдан Беҳбудий матбуот ишлари билан шуғулланади.. 1913 йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сондан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг август ойидан бошлаб у “Ойна” журналинини чиқара бошлайди. Бу суратли ҳафталик асосан ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеърлар, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади.... “Бошда ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир қатла чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди.... Кафказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди.... Жаҳидларнинг севиқли журналлари эди. Шунинг учун улар томонидан ҳурматланади, севилиб ўқилади.”¹ деб ёзган эди Зиё Саид.

Беҳбудий шу йилларда нашр ишлари билан қизғин шуғулланди. **“Нашриёти Беҳбудия”** номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Фитратнинг “Баёноти сайёҳи хинди” асарини русчага таржима қилдириб, нашр этди. Туркистон ҳаритасини тузиб босмадан чиқарди. Кутубхонани йўлга қўйди.

Беҳбудий ўзининг Миллат, Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишларида ифода этади. 1917 йилнинг 26 ноябрида Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-чи ғавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси

“Туркистон мухторияти” эълон қилинди. Унинг маънавий отаси, Беҳбудий эди. “27 ноябрда Қўқонда Туркистон Мухторияти умумий

¹ Зиё Саид Танланган асарлар, Тошкент., 1974, Б: 44 – 45

мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва ҳайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!” – деб ёзган эди Беҳбудий

Мухторият бой берилди. У советлар томонидан хоинона бостирилди. 19- 20 феврал кунлари шаҳар тўпга тутилди. 10 мингта туркистонлик ўлдирилди, 180 та қишлоққа ўт қўйилди. Беҳбудий Самарқандга қайтади. У ерда тура олмай Тошкентга келади. Рус совет ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар натижа бермайди. 1919 йилнинг баҳорида 25 мартда Шаҳрисабзда қўлга олиниб, сирли равишда Қарши шаҳрида қатл этилади. Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахт Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Қарши шаҳри 1926 – 37 йилларда 11 йил Беҳбудий номи билан юритилади.

Шунингдек XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод этган жадиidler ислом қадриятларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор бердилар. Жумладан, Маҳмудходжа Беҳбудий асосатдан халос бўлишнинг йўли илму фанни ривожлантириш, диний бағрикенгликни барқарор қилишдан иборатдир, деган хулосага келди. Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий асл ислом ғояларининг унутилиши тарқоқликка ва ўзаро низога, юртнинг мустамлака остида қолишига сабаб бўлган, деб ҳисоблаган эди. Беҳбудий «Мухтасари тарихи ислом» (Исломнинг қисқача тарихи) асарида баъзи руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом таълимоти моҳиятини бузиб кўрсатаётганликларини танқид қилади, диндан ғаразли, сиёсий мақсадларда фойдаланиш қанчалик оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг улғайиш даврини батафсил ёритиш учун анча саҳифалар сарф бўлиши лозимлиги сабабли оила(отаси) ва унинг атрофидаги(тоғаси) муҳит таъсирида ўқиб, тарбия топиб улғайганини, алаолоқибат, замонасининг улуғ зиёлисига айланганини айтиш билан кифояланиш ўринлидир. Маҳмудхўжа Беҳбудий иқтидори туфайли ўз

даврининг юксак эътиборли лавозимлари — қозилик ва муфтилик рутбаларига эришади. Албатта, бундай лавозим соҳиби ўз фаолияти давомида халқнинг барча қатламлари вакиллари билан мулоқотда бўлади, демакки, майда масалалардан йирик муаммоларгача қиёслаш, хулоса чиқариш ва масалаларнинг ечими нимада эканлиги тўғрисида фикрлаш имконига эга эди. Бу борада XX аср бошларида Бехбудий амалга оширган ишлар катта аҳамиятга эга.

Бехбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни учга бўлади:

1. Идораи мустақалла (идораи мутлақа-монархия)
2. Идораи маршрута (конститутсияли парламентли ҳокимият).
3. Идораи жумҳурият (Республика).

Лекин миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Бехбудий келган биринчи хулоса эди. Унинг “Вақт” газетасида чоп этилган мақолаларидан бирида шундай мулоҳазаларни учратамиз: “Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳил мударрис сайланур. Бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъкул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўътабар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас. Ишта бизим Туркистон шаҳарларининг бу кунги қози, муфти ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларининг юздан саксони, саҳро ва қарияларда ўланларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилардан иборатдир”. Шу газетанинг ўша йили 4 ноябрда босилган “Дума ва Туркистон мусулмонлари” мақоласида эса чор мустамлакачилик сиёсати, хусусан, ўлкадан етмиш минг русдан олти депутат бўлгани ҳолда етти миллион мусулмонга беш ўрин ажратилган ошкора танқид қилинади. Шуларга қарамасдан, Бехбудий, истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик ғайриахлоқий, бинобарин, ғайринсонийдир. Умуман олганда эса мустақиллик учун кураш

олиб борган боболаримиз, жумладан, жаидлар келажак ҳақида фикр юритар эканлар, истиқлолга эришиш борасида бир-бирларидан фарқ қилувчи уч йўлдан бордилар:

1. Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон қўзғалони, 1916 йил воқеалари, “босмачилик”).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масалаларида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (Исмоилбек Гаспирли, Маҳмудхўжа Беҳбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг программаларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний).

Беҳбудий ҳамиша халқ билан бирга бўлди. Ватан тақдири кун тартибига қўйилган 1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган ўлка қурултойида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифок бўлишга чақирди. Худди шу ихтилофимиз сабабли “мустамлакот қоидаси ила бизни идора этурлар” деб очик айтди.

У ҳақ эди. Мустамлакачилар “50 йил илм-маърифатдан четда сақлаб келган”лари (Куропаткин) Туркистонни осонлик билан қўлдан чиқармас эдилар. Фитна ва иғво тинимсиз давом этар эди. Шундайлардан бири 1917 йилнинг баҳорида Бухорода юз берган эди. Амир феврал ўзгаришларини ҳисобга олиб, рус элчихонасининг маслаҳати билан ислоҳот эълон қиладиган бўлади. Ва бу фармонни ушбу элчихонанинг бошлиғи жаноб Миллер тайёрлайди. Ҳар хил англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида собиқ генерал-губернатор, эндиликда Русия Муваққат ҳукуматининг Туркистон комиссари Куропаткин топшириғига кўра Самарқанд ижроия қўмитаси Бухорога бир неча кишилик ҳайъат юборди. Улар орасида

Бехбудий ҳам бор эди. 7 апрель ислохот эълони олдиндан мўлжалланганидек тантанага, тантана эса фожиага айланади. Амир ва ёшлар, муллалар ва жадидлар ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ пайдо бўлади. Миллер бунинг айбини Бехбудийга қўяди. Фақат Миллер эмас, Тошкентда 9 апрелда бошланган Туркистон ишчи ва солдат депутатлари советларининг биринчи ўлка съездида айрим рус депутатлари Бухоро фожиасининг сабабини Самарқанддан “ўз ихтиёрлари илан” борган депутатларга тўнкайдилар. Миллатни ич-ичидан қайраш ва низо чиқариш изчил давом этади. Бехбудий мазкур съездда минбарга чиқиб бор воқеани тушунтириб берган ва бу ҳақда “Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат” (“Хуррият” газетаси, 1917 йил 1 май) деган махсус мақола ёзган эди. Шу йил ноябрнинг 26 сида Қўқонда ўлка мусулмонларининг 1У фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси “Туркистон мухторияти” эълон қилинди. Бу мустамлакадан мустақиллик томон қўйилган жиддий ва жасоратли қадам эди. Унинг маънавий отаси, шубҳасиз, Бехбудий эди. “27 ноябрда Қўқонда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!” — деб ёзган эди Бехбудий.

Муаллиф бу қадим оталар юртини унда яшаб турган барча қон-қариндош миллатларнинг бирлиги, ҳамкорлиги билангина сақлаб қолиш мумкинлигини теран англайди. Бутун вужуди билан Туркистонни бирликка чорлайди. “Бовурлар! — деб ёзади қозоқ биродарларига очик хатида, - билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунин, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларнинг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул, албатта

шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур... Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркменистондаги барча мусулмонлар ва ҳамда мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифок ила шу мухториятнинг амалға келишига саъй ва эҳтимол этмоғимиз лозимдур...

Чироғларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютилуб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур”.

Мухторият бой берилди. Уни оталаримиз сақлаб қололмадилар. У Советлар томонидан хоинона бостирилди. 19-20 февраль кунлари шаҳар тўпга тутилди. 10 мингта туркистонлик ўлдирилди, 180 та қишлоққа ўт кўйилди.

Беҳбудий изтироб билан майнинг бошида Самарқандга қайтади. У ерда тура олмай, Тошкентга келади. Туркистон рус совет ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар натижа бермайди.

Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йилнинг баҳорида-25 мартда Шаҳрисабзда қўлга олиниб, сирли бир тусда Қарши шаҳрида қатл қилинади. Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахтимиз Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Ўнлаб марсиялар ёзилади. “Беҳбудийнинг сағанасини изладим” деб аталар эди Фитратнинг бир шеъри. Айнийда бир эмас, уч шеър бор. Сани мундин буён Турон, кўролурму, кўролмасму? Санинг мислингни Туркистон тополурму тополмасму? -деб бошланарди

унинг шеърларидан бири. Машҳур Чўлпон ҳам Беҳбудийнинг фожиали ўлдирилганига бағишлаб шеърлар ёзади.

Қайғурингиз,кишанларни ясовчи усталар,
Бошқаларни тубанлар деб атовчи хўжалар!
Сизлар учун ёз бошининг қоридек
Эрур кунлар келадур!
Сизлар учун алвастининг зоридек
Йиғлар кунлар келадур! -деб ёзган эди у.

Қарши шаҳри 1926-37 йилларда 11 йил Беҳбудий номи билан юритилди. Бироқ унинг асл қиёфаси халқдан сир сақланди. Адиб номининг адабийлаштирилиши шунчаки бир ниқоб эди. Қарши шаҳрига унинг номи қўйилган ўша 1926 йилдаёқ у мансуб бўлган жадиदчиликни аксилинқилобий, аксилшўровий ҳаракат сифатида қоралаш кампанияси бошлаб юборилган эди. Б.А.Пясковский 1922 йилдаги “Инқилоб” журнали саҳифаларида эълон қилган “Ўзбек театри тарихи” мақоласида унинг майдонга келиши тарихи ҳақида фикр юритар экан, “Ўзбек театрининг асосини қўйиб берувчи Самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудийдир” деб ёзади. Таниқли археолог Вяткиннинг далолатига суяниб, “Падаркуш”ни ёзишда Фонвизиннинг “Фаҳмсиз” (“Недоролось”)идан таъсирланганини қайд этади. Адиб номида Тошкентда маориф клуби, Самарқандда кутубхона ва драмтруппа, Туркистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида унинг номига очилган мактаблар, Бухорода эса марказий босмахона борлигини таъкидлайди.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан “Ўзбек адабиёти” китобида эса “Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйиб берди” (8-бет) деган эътирофга дуч келамиз. Бу гаплар ҳақиқат эди

Биринчи боб бўйича қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Маҳмудхўжа Беҳбудий манфаат йўлида ислом моҳиятини бузишга бўлган интилишларни қоралайди. У ислом тарихини билмаслик оқибатида, кўпинча ноқулай аҳволга тушиб қолган дин пешволарини танқид қилади¹. Яъни Беҳбудий ислом дини тарихи, тадрижий ривожланишига оид ёзган асарларида, унга холисона баҳо беришга интилни.

Иккинчидан, жамият ҳаётини ислом ахлоқи қонун-қоидалари асосида қуриш лозимлигини эътироф этиб, ўз қарашларида Қуръон ва ҳадисларга асосланди. У асарларида дунёвий ва диний билимларнинг мутаносиблиги, исломнинг маданий-маънавий кадр-қиммати, ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида қайд қилади.

Учинчидан, асримиз бошларида Туркистонда Биринчи рус инқилобининг таъсирида маърифатпарварлик ҳаракати кучайиб кетди. Мураббий, адиб, драматург, журналист, қонуншунос Маҳмудхўжа Беҳбудий бу илғор ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг бошида турган улуғ инсонлардан бири эди. У бутун куч-ғайратини, билимини, азиз умрини онгли равишда Ватанининг, халқининг бахти учун курашга сафарбар этди. Беҳбудий иккинчи рус инқилобидан кейинги даврда «Марказий Россия билан бирлик, ҳокимият бошига келган ишчи ва деҳқонлар етаклаган йўлдан боришни лозим, деб топади» (И. Султон, С. Мамажонов). Масалан, у «Иттифоқ керак» сарлавҳали мақоласида шундай деб ёзади: «Энди бугунги ҳурриятпарвар рус ҳамватанлар ила қўл-бақўл ушлашиб, тараққий учун ишламоқ керак». Бироқ, таассуфки, устод Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг боши амир кундасига, шогирдларининг қони рус шовинизми шовчасига қурбон кетди!..

Тўртинчидан, Беҳбудий ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг энг йирик намояндаси, Туркистон жаидларининг тан олинган раҳнамоси, буюк маорифчи, янги мактаб ғоясининг оловбардори, ношир, театрчи ва публицист эди. Агар самарқандлик аллома Беҳбудий жаид мафкурасининг дастурий аҳамиятга молик назарий ва амалий йўналишини белгилаб берган

¹ Беҳбудий Маҳмудхўжа. Тарих ва жуғрофия. «Ойина». 1914. 27-сон. 502-505-бетлар.

бўлса, унинг сафдошларидан Абдуқодир Шакурий бутун Марказий Осиёда шуҳрат топган янги усулдаги жаид мактабини асослади. Сайидахмад Ажзий эса, халқпарварлик, ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига йўғрилган поетик асарлари билан бутун жаид бадий адабиётини юксалтирди. Беҳбудий ва унинг сафдошлари раҳнамолигида миллий истиқлол мафкураси билан қуролланиб, ўз элу юрти ва халқининг озод бўлиши истагида қўлга қалам олган

II боб. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллий тараққиётнинг ижтимоий-маънавий асослари ҳақидаги қарашлари

2.1. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллийлик ва миллат ҳақидаги ғоялари

Бехбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисоблади. Журналнинг биринчи сонидаяқ «Икки эмас, тўрт тил лозим», деган мақола билан чиқиб, ўзбек, тожик, араб, рус ва ҳатто бирор узоқ хориж (мас, француз) тилини билиш шарт деб ҳисоблади. Айни пайтда тилнинг муҳофазаси («Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» — 1914, № 35), ўзаро муносабатлари («Тил масаласи» — 1915, № 11,12) ҳақида муҳим ва зарур мақолалар чоп этди. Адабий танқидга катта эътибор берди. Унинг хусусиятларини белгилашга уринди. Бошқа адабий жанрлар билан тенгҳуқуқлиги масаласини кўтарди («Танқид сараламоқдир» — 1914, № 27). Миллат шаънини оёқости қилувчи фикр-қарашларга зарба бериб, Туркистон халқини ўз номи билан атамоқ лозимлигини талаб қилиб чиқди («Сарт сўзи мажҳулдур» 1915, № 22,23,25,26).

Бехбудий матбуотимиз тарихида мақоланавис сифатида алоҳида мавқега эга. Унинг ҳозирча аниқланган мақолаларининг сони 300 га етади. Улар хилма-хил мавзуда. Илк мақолаларидаёқ коммунистик мафкурани кескин рад этган, «хаёлий», «бу тоифага қўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлик» деб ёзган эди («Хайрул умури авсатуҳо» — «Ишларнинг яхшиси ўртачасидир», «Хуршид» газетаси, 1906, 6-сон). Ўзликни англашни муҳим билади. «Қабиласини(нг) исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни «маркук» дерлар», деб ёзади («Сарт сўзи мажҳулдур», «Ойна» журнали, 1914, № 23).

1917 йилнинг охири 1918 йилнинг бошларида жаидлар қурган илк демократик давлатчилик намунаси Туркистон мухториятининг тақдири ҳал

бўлаётган бир пайтда ўлка халқларини бирликка чақиради. Беҳбудий ижтимоий-сиёсий ишларга қизғин қўшилди. Аслида бу фаолият 1906 йилдан бошланган. Шу йили «Русия мусулмонлари иттифоқи»нинг Нижний Новгородда ўтказилган қурултойида қатнашган эди. Тошкентда бўлиб ўтган (1917) Туркистон мусулмонларининг қурултойида иштирок этиб, нутқ сўзлади. У мусулмонлар орасидаги ҳар қандай ихтилофга қарши чиқди. Беҳбудий шу қурултойда ўлка мусулмонлар шўросининг раиси этиб сайланди. 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинди. Унинг ғоявий асосчиларидан бири Беҳбудий эди. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилди. Беҳбудий май ойининг бошларида Самарқандга қайтади. У ерда кўп тура олмай Тошкентга келади. Туркистон шўролар ҳукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришга уринади, аммо натижа чиқмайди.

1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқиб кетаётганида Шаҳрисабзда Инқилобий фавқулодда комиссия айғокчилари кўмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олинади, ҳамроҳлари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршида зиндонга ташланади ва қатл қилинади. Бу воқеа Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқа шоирлар Беҳбудий га атаб марсиялар ёзганлар. Ўзбекистонда (Ҳ.Сайид, Н.Авазов, З.Ахророва), Тожикистонда (Р.Ходизода), Германияда (И.Балдауф; Б.Қосимов билан ҳамкорликда), АҚШда (Э.Олворт) ва бошқа мамлакатларда Беҳбудий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади. Тошкент шаҳрида кўча ва мактабга Беҳбудий номи қўйилган.

Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий миллийлик ҳақидаги ўзининг “ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ” номли мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ

учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур. 50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шариъат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз.

Аммо қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрар. Замони собиқда фақат шариъат билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва зақунни билмоқ ҳам лозимдур. Шариъат илми мадрасаларга, қонун илми Русия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўкумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқуб андан ҳуқуқшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда, кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа қилур. Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ. Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа қиладургон кишимиз йўқ. Бошимиз оғриси дўқтурга борамиз, аммо дардимизни айтмоқга тил йўқ. Ўзимиздан дўқтур йўқ. Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Кетамиз зақунчига, сўйламоқга тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизга фириб берар, пул берармиз, югурармиз, яна ишлар барбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, плон-лойиҳаси лозимки, инжинерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз ҳануз «муҳандис» исмини билмаймиз. Контур ва расмий дафтар тутиб, касса қуриб тижорат этмоқ лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерик ҳисоби юритадургон бойларимизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топилмайдур. Ҳаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча

бойваччани биларманки, энг қаттиқ хизматларга гирифтор. Сабаби надур — илмсизлик. Ҳолбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қилатургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўқумоғи лозим. Бизда шоҳи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур. Валлоҳ, яқин вақтда "дока" бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқорур. 30 сана муқаддам Самарқандни Ёмини маҳалдасинда 300 алочабоф ишчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўқ. 10 сана сўнгра тамоман маҳв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлоҳ, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоқга ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим. Валлоҳ, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур. Қисқа қилайлик, бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф "истипендия"лар таъйин қилур. Бошқа миллат милиўнерлари мактаби ила истипендияси-ла, идора қилатургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин (аёллар университети — *Н. О.*), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қиладур. Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи ила ва... ла фахр этар. Ҳатто, ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур. Бу кетишни охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илм диний ва илми замоний мерос қолсун. Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда "диний ва замоний" бир

"пансиун" лайли ва наҳори 5 мукаммал мактаб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардин... 200 муҳандис, дуктур, ҳукуқшунос, муаллим, техник, замона тожири, валлоҳ... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишига кирарлар. Руслар ила бизни ҳасан имтизожларимизга хизмат қиладурлар. Ал-он миллатимиз бойлардан шуни қўз тутар, халойиқни барбод этатургон тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушунатургон бойлар бизда етушганми?»¹.

Беҳбудий ижтимоий-сиёсий ишларга қизғин қўшилди. Аслида бу фаолият 1906 йилдан бошланган. Шу йили «Русия мусулмонлари иттифоқи»нинг Нижний Новгородда ўтказилган қурултойида қатнашган эди. Тошкентда бўлиб ўтган (1917) Туркистон мусулмонларининг қурултойида иштирок этиб, нутқ сўзлади. У мусулмонлар орасидаги ҳар қандай ихтилофга қарши чиқди. Беҳбудий шу қурултойда ўлка мусулмонлар шўросининг раиси этиб сайланди. 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинди. Унинг ғоявий асосчиларидан бири Беҳбудий эди. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилди. Беҳбудий май ойининг бошларида Самарқандга қайтади. У ерда кўп тура олмай Тошкентга келади. Туркистон шўролар ҳукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришга уринади, аммо натижа чикмайди. 1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқиб кетаётганида Шаҳрисабзда Инқилобий фавқулодда комиссия айғокчилари кўмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олинади, ҳамроҳлари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршида зиндонга ташланади ва қатл қилинади. Бу воқеа Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқа шоирлар Беҳбудий га атаб марсиялар ёзганлар.

¹ "Самарқанд" газетаси, 1913 йил, 12 июл

Ўзбекистонда (Ҳ.Сайид, Н.Авазов, З.Ахророва), Тожикистонда (Р.Ходизода), Германияда (И.Балдауф; Б.Қосимов билан ҳамкорликда), АҚШда (Э.Олворт) ва бошқа мамлакатларда Бехбудий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилади. Тошкент шаҳрида кўча ва мактабга Бехбудий номи қўйилган.

2.2. Ҳозирги давр ёшлар тарбиясида Маҳмудхўжа Бехбудий ижодий меросининг аҳамияти

Жадидчилик ҳаракати ҳам миллатимиз сиёсий ва маънавий ҳаётидаги катта бурилишдир. Бу ҳаракат намоёндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Фитрат ва бошқалар илгари сурган ғоялар ўзбек миллатини маърифатли қилиш, унинг миллий онгини ўстириш орқали ўз эркини қўлга киритишга қаратилган эди. Дарҳақиқат, «Жадидчилик ғоялари эрта баҳорнинг шиддатли шамоллари сингари пўпанак босиб, билжираб кетган ўрта асрчилик турмушини энг пастки қатламларигача очиб ташлади. Момогулдирак бўлиб, Миллат ва Ватаннинг ҳаёт-мамот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг урди. Чакмоқдек чакнаб, унинг бағридаги жароҳатларини ёритди. Обираҳмат бўлиб, она Туркистон кўксидаги маориф, матбуот, театр ниҳолларига ҳаёт бахш этди. Бу ғояларнинг асосида миллий уйғониш, миллий мустақиллик учун кураш ётар эди»¹.

Улар нафақат ғоялари ҳамда уни амалга оширишдаги фаолиятлари билан, балки, ўзларининг комил инсон эканликлари билан миллий маънавий меросимизда катта ўрин эгаллайдилар. Зеро, ўзининг ҳаёти, бутун борлиғини миллатнинг озодлиги, мустақиллигига бағишлаган инсонларгина комиллик

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Тошкент.: Маънавият, 2002.-Б. 4.

даражасига кўтарила олиши мумкин. Зўравонлар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсани аямаган, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмаган бир шароитда, жаҳидлар катта жасорат ва матонат билан миллий истиқлол ғояларини илгари сурдилар ҳамда уни амалга ошириш йўлида фидойилик кўрсата олдилар. Шунинг учун ҳам бугун уларни ўрганиш орқали миллий ўзлигимизни англашимизни ривожлантиришга эришишимиз мумкин бўлади.

Чоризм – чор Россияси томонидан Марказий Осиёга бостириб кирган 1850 йиллардан 1920 йилларгача бўлган даврнинг номланиши. Тарихимизнинг холис талқини боболаримизнинг буюк давлатларни барпо қилганларини, юксак маънавият, маданият, тараққиёт саҳифаларини очиб беради. Ички низо ва адоватлар, фақат ўз қобигига, умрини ўтаб бўлган ақидаларга ўралашиб яшаб, оғир аҳволга тушиб қолган даврларимизни ҳам. Натижада бизнинг кейинги олти аждодимиз озодлик армонларида ўтди.

Не бахтки, бу кунга етиш бизга насиб этди. «Айниқса, темурийлар ҳукмронлигидан сўнг яъни, XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолот ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршилиқлар, уруш-жанжаллар гирдобига қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожига ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум».

Ҳа, ўша даврларда юртимизнинг айрим ҳукмдорлари ва амалдорлари ўз манфаатларини уларга ишонган халқ манфаатларидан устун қўйиб, жаҳолат ва ғафлатга ботиб қолдилар. Эл-улус бирлигини сақлаб, ягона Ватан ҳимояси йўлида қаттиқ тура олмадилар. Ғафлат минтақамизни умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узиб, орқада олиб қолди.

XIX асрдаги чоризм истилосининг сабаблари нималар эди? Авваламбор, сиёсий бошбошдоқлик, узоқни кўролмаслик, маънавий заифлик. Оқибат – минтақамиз озодлигидан жудо бўлди. Буни «Юксак маданият -

енгилмас куч» китоби тарихий мисоллар билан исботлаб беради. Китобда айтилганидек. «Бу аччиқ ҳақиқат барчамизга, айниқса, бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши лозим». Бу ўғитни ёшларимиз юракларига ёзиб-ёзиб олмоқдалар.

Ундан кейинги, қизил қон ёмғир остида ўтган 70 йил. Халқимиз коммунистик террор қатағонлар, камбағалликда ҳаммани тенглаштириш, динсизлик, тилсизлик – комплекс ҳақсизлик салтанатида яшади. Бу зинҳор муболаға эмас. Бугун ўша кунларни эсламасак, шукронамиз қабул бўлмас.

1994 йил 22 сентабр. Мухтарам Президентимизнинг парламент минбаридан берган саволлари шўролар халқимиз устига ёпган «Бахтлисан қардошлик оиласида!» деган мафкуравий пардани олиб ташлади. «Тақдиримиз жар ёқасида турган машъум кунлар, миллатимизнинг қадр – қиммати, шаъни ва номуси поймол қилингани, кўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани» ҳақида изтиробли фикр ва саволлар миллат олдида гўё бир улкан томоша кўйиб ўзимизни ўзимзига кўрсатди. Унда биз аслида қандай буюк мамлакат ва аجدодларнинг болалари эканлигимизни кўрдик. Ўзлигимизни англадик, ориятимиз уйғонди, кўзларимизда ёш қалқди:

«Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?

- Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

- Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллик қилиб уйғонардик?

- Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?

- Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

- Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигиизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган элнинг фарзандлари эканимизни англаймидик?

- Айтинглари, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?

- Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар ҳазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

- Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-укубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

Дарҳақиқат, яқин тарихда халқимиз ўз бошидан бундай азоб-укубатларни, тақдирмиз жар ёқасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹.

Ҳа, миллатнинг ўша машъум йилларда чалинган дардлари кўп эди. Уларга дармон керак эди. Дармондан ҳам олдин «шамолга қараб» иш қилмайдиган, ўзимиздаги эски тузум тарафдорларининг қаршилигини енгишга қодир «миллат дарди – менинг дардим», деб майдонга чиқадиган жасоратли раҳнамо керак эди. Чунки бугун биз юқорида афсус билан айтилганидек, миллатнинг бу дардларига сабаб – айрим ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳал қилувчи пайтларда раҳнамо бўла олмаганида, озодлик учун жасоратли қадам қўя олмаганида эканлигини билдик.

Шунинг учун ҳам XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жаҳидчилик ҳаракат аъзолари чоризм истибдодига, унинг мафкурасига қарши миллий озодлик ҳаракати мафкурасини ишлаб чиқдилар ва уни амалга ошириш учун кураш олиб бордилар. Агарда бир халқнинг миллий онги яхши шаклланмаган, юксалмаган бўлса, унда бундай халқнинг миллий ғоя ва миллий мафкураси ҳам теран маъно-мазмунга эга бўлмайди. Бундай халқ ўзининг мустақиллигини таъминлаши, унинг учун бирлашиб жонини ҳам

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент., Маънавият, 2008, 6-бет.

аямасдан курашиши, унга фидойи бўлиб қолиши пировардида эркин ва бахтли ҳаёт кечириши саробга айланади.

Бир халқнинг миллий ғоя ва миллий мафкурасини зўравонлик ёки қарор билан бекор қилиш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Ҳар қандай халқнинг миллий онгини сусайтириб, йўқ қилиб юбориш учун, аста-секинлик билан, авваламбор унинг тилини, маънавий қадриятларини, урф-одатларини, маданиятини, динини ва ҳоказоларини йўқ қилиб бориш керак бўлади. Бундай дунёқараш чоризм истилоси даврида амалга оширилди. Буни яхши билган «оқ» ва «қизил» империялари мафкурачилари, ўзбек халқининг миллий онгига нисбатан шундай йўл тутган эди. Масалан, ҳақиқий тарихимизни ўрганишга йўл қўйилмаган, миллий қаҳрамонларимизни улуғлаш, уларнинг миллат олдидаги хизматлари кўрсатилиши мумкин бўлмаган, аслида динимиз таъқиқланган, миллий тилимиз ва қадриятларимиз буткул йўқотиб юборилиши кўзда тутилган эди ва ҳоказолар. Бу фикрларни тасдиқлаш учун юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1868 йилда рус қўшини Самарқандни забт этишда, чор Россияси генерали Фон Кауфманнинг буйруғи бўйича, ўзининг маҳобати ва бетакрор санъати билан бутун дунёда машҳур бўлган «Бибиҳоним» мадраса – мачитига қараб замбараклардан ўқлар уздирилган ва вайрона ҳолга келтирилган эди¹. Яна бир мисол, Россия халқ таълими вазири Д.А.Толстов: «Россия ҳудудида яшовчи руслардан бошқа халқлар талабаларига нисбатан таълимнинг пировард мақсади, албатта, уларни руслаштириш ва рус халқи билан қўшиб юборишга қаратилиши керак», деб таъкидлаган эди². Мана шу даврда, ўзбек халқининг миллий онги, миллий ғоя ва миллий мафкураси тўғрисида гап очиш, фикр юритиш сал кам жиноят ҳисобланган. Халқимиз 1991 йилда мустақилликка эришганида, унинг миллий онги, миллий ғоя ва миллий мафкураси яна қайтадан жонланди.

¹ Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1996, – Б. 142.

² Алихожиев М. Ёлғон ва ҳақиқат. «O'zbekiston adabiyoti va san'ati», 2001 йил 7 декабрь

Алқисса, миллий онг, миллий ғоя ва миллий мафкура бир-бири билан боғланган яхлит маданий-маънавий тизимдир.

Миллий ғоя миллий онг негизиде келиб чиқиб, шакллансада, бироқ у ўз навбатида миллий онгнинг мазмунини бойитади ва унга ўзининг салмоқли таъсирини ўтказиб боради.

Миллий онг умуминсоний билимларни ўзида мужассам этиб, миллий ғоя ва миллий мафкуранинг илмий-назарий савиясини юксалтиради, уларнинг моҳиятини теранроқ англашга ёрдам беради.

Халқни фаоллаштириб, уни улуг мақсадлар сари йўналтириш учун, унинг тарихий хотирасини тиклаш, маъжозий тарзда айтганда, халқни уйғотиш учун унинг тарихини ўрганиш зарур бўлади. Ҳар бир халқ ўзлигини, ўзининг ўтмишини, миллий онгини теран англаб олгандагина аниқ ва равшан миллий ғоя ва мафкурага эга бўлиши мумкин. Бежиз ҳам, Президент Ислам Каримов: «Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир»¹, деб айтмаган. Бу тўғрида батафсилроқ республикамізда маълум олим Н.Жўраев шундай фикр билдиради: «Зотан, ўтмишни англагач, уни тўғри тушуниш орқали киши руҳиятида жиддий ўзгаришлар яшаш, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади» ва «истиқлол ғоялари асосида ... одамлар онги ва тафаккурида туб бурилиш ясалишига эришиш мумкин бўлади»². Умуман олганда, ўз миллий онгини теран англамаган миллат ўзининг ҳақиқий миллий ғоя ва мафкурасига ҳам эга бўла олмайди. Нарзулла Жўраевнинг фикрларига асосланиб айтиш мумкинки, миллий ғоя ва миллий мафкура асосида миллий онгни ҳам маълум даражада ўзгартириш мумкин бўлади.

Миллий онгни «уйғотишда», уни янги ғоялар билан бойитишда санъат ва адабиётнинг роли беқиёсдир, чунки миллий мусиқа ва шеър билан одамларнинг миллий ҳис-туйғуларига жиддий таъсир ўтказиш мумкин. Шу

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1993 йил, – Б. 1 03-104.

² Жўраев Н. Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат. «Fidokor», 1999 йил 11 май.

билан бирга радио, телевидение, матбуот ва бошқа воситалардан мукаммал даражада фойдаланиб миллий ғоя ва миллий мафкурани фуқароларнинг онгига сингдириш айна муддаодир. Зотан, Президент Ислом Каримовнинг фикрича: «Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»¹.

Президентимизнинг бу фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ватанимиз тез суръатлар билан равнақ топиши учун, халқимизнинг ҳозирги вақтгача шаклланган миллий онгини янада ривожланиш лозим. Бунинг учун халқимизнинг миллий онгини бозор иқтисодиёти, демократик давлат ва фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиқиб юксалтириш зарур. Шу билан бирга, миллий онгнинг муҳим унсурлари бўлмиш - миллатнинг руҳи, ифтихори, нафсонияти, қадр-қиммати, ҳис-туйғулари ва бошқаларни маълум даражада кучайтириш замонамизнинг ўта муҳим муаммоларидан биридир. Айна миллий ғоя ва миллий мафкура орқали халқимизнинг миллий онгини жонлантириш, янги ғоялар билан бойитиш ва уни фақат эзгулик сари йўналтиришга эришиш мумкин бўлади. Дунёнинг энг халқпарвар кишилари миллийлик, маънавиятни асраш ҳақида қайғуриб келишган. Шу ўринда атоқли инглиз олими Жон Леббокнинг «Миллатнинг ҳақиқий шарафи ҳудудининг бепоёнлигида ҳам, ерининг унумдорлигида ҳам, табиатининг гўзаллигида ҳам эмас, балки халқнинг ғоявий ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ», деган сўзлари ёдга тушади. Ана шундай маърифатпарварлардан бири В.Белинский: «Милийликсиз инсоният мантикий мавҳумликка, мазмуни йўқ сўзга, маъноси йўқ товушга айланиб қолади», деган эди.

Жадидлар бутун фаолияти давомида ўзларининг ижтимоий – сиёсий мақсадларини тинч, эволюцион йўл билан амалга оширишга интилдилар. Нима учун? Нега улар мустамлака зулмига қарши бирдан қурол кучи билан эмас, айнан эволюцион йўлни танладилар? Балки ўша лаҳзада қурол кучидан фойдаланганда мағлуб бўлмасмиди, деган саволлар табиий, албатта.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998. 2-сон. – Б. 3.

Аммо жадинлар майдонга чиққан пайтда Туркистонда шундай бир тарихий шарт – шароит мавжуд эдики, улар балки шунинг учун ҳам эволюцион йўлни танлашга мажбур эди. Бунинг учун қуйидаги мулоҳазаларга эътиборингизни қаратамиз: “Миллий – озодлик курашида қурол кучи билангина муваффақият қозониб бўлмасди. XIX аср охирида юз берган ва исён ва қўзғалон (“вабо исёни”, ва Дукчи эшон қўзғалонлари назарда тутилияпти . муалл.) чор мустамлакачилари тамонидан шафқатсизларча бостирилди... Маълум бўлдики, замонавий қуролга эга, мунтазам армияси бўлган, охранка, жандармерия каби този итдек хушёр кўриқчилар кечаю – кундуз хизматида тайёр турган, мазлум халқларнинг эрк, озодлик тўғрисидаги орзуларини энди бутунлай эсларидан сиқиб чиқариш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган саноксиз амалдор ва амалдорчалари бор чор Россиясидек мустабид ва маккор салтанатнинг исканжасидан қутилиш осон иш эмас экан. Бунинг устига, мустабидлар ишни шу даражада ишга солганки, маҳаллий аҳоли тилини, руҳиятини, динини яхши билган шарқшунослардан махсус гуруҳ тайёрланиб, ерли халқлар ичига киритилди, токим улар “оқ пошшо”нинг “меҳрибон” ва “одил”лигини тарғиб этсинлар, гўё император ҳазратларининг ҳеч бир эҳтиёжи бўлмаса-да, одамгарчилик нуқтаи назаридан яхштлиқ қилиш мақсадида Туркистонни ўз паноҳи остига олишга рози бўлганларини тушунтирсинлар..... ”

Беҳбудий Туркистон ташқарисидаги мамлакатларга саёҳат қилиб тараққийпарвар зиёлилар билан учрашиб улар ғояларидан илҳомланган. Таниқли турколог олима, Германиядаги Хумболд университети қошидаги Марказий Осиё институти директори Ингаборг Балдауф Беҳбудий ёзган асарларни немис тилига ўгирган ва “Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда” деган тадиқотни эълон қилган. Балдауфнинг айтишича, адиб қалбини ўртаган энг катта дард - эрк ва маърифат истаги эди. “Падаркуш” асари ҳақида тўхталган немис олимаси бу асарнинг ижтимоий аҳамияти бадийлигидан устунлигини айтади: Бадий нуқтаи назарлари унча ҳам юксак эмас эди.

Унинг энг муҳим қирралари яъни услуби, матн гўзаллигидан кўра кўпроқ фикр ва мужда бор, яъни Беҳбудий мардумга очадиган фикрлари. янгича фикр эди ўзининг вақти учун. Гап шунда.

Гўзалликда ҳеч гап йўқ. “Падаркуш” агар тўғриси айтса, драма сифатида кўп ибтидоий, дейди олима. Айни пайтда, “Падаркуш” асарида кўтарилган фикрлар бугун ҳам долзарблигини уқтирган олима барча даврларнинг яхши асарлари каби, бу асар ҳам умуминсоний қадриятлар устига қурилганига эътибор қаратади: Бу фикрлар инсониятда умумий фикрлар. Унинг қадрияти ҳам шунда. У ҳам ўз вақтида муҳим эди, ҳам ҳозир муҳим. Совет даврида аҳамиятини йўқотмаган эди. Беҳбудий ўз даврини яхши биларди. У ўз даври муаммоларини теран ўрганган эди. Албатта, яхши билардики, бу ҳақиқатан катта муаммо. Бугун яшаса, бугунги катта муаммоларни ҳам назарга олар эди. Беҳбудийнинг фазилати ҳам шу эди. Ўзининг жамиятини пухта, теран биларди. Бизларга маълум, у ўз вақтида “Жамияти хайрия” (Самарқанддаги жаид ташкилоти)нинг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлгани боис, омма учун китобхона очган, яъни ўзининг шахсий китобхонасини оммага ҳам очган деб эшитдим. Билмайман бу қай даража тўғри. Чунки ўзининг “Ойна” деган журналида бу борада гап юритилади. Лекин бу ҳақиқатан тарихий воқеликми ё фақат шундай режалари бўлганми, амалга ошганми, ошмаганми унисини бошқа одамлардан сўрамоқ керак, дейди немис тадқиқотчиси.

Ингаборг Балдауфга кўра, Беҳбудийнинг мақсади туркистонликлар маърифий савиясини дунё даражасига кўтариш бўлган: Унинг мақсади шу эди. Омманинг ўша пайтлар Беҳбудий назарида кўп паст бўлган савиясини улғайтирмоқ, кўтармоқни Беҳбудий ният қилган. Спектакл ҳам, албатта, бу йўлда бир қадам, қандай айтса бўлади, агар мактаб болалари учун мактаб бўлса, унда спектакл катталар учун мактаб сифатида тушунилса бўлади. Ёки катталарнинг саводи бўлмаса, китобдан ҳам фойдалана олмайди. Ҳар ким ҳам китобхонага бориб журнал, газета ўқий олмас эди. Ҳатто унга яқинлик

ҳам сезмас экан. Лекин иккинчи тарафдан, спектакл бўлса, одамнинг нафақат фикрларига, ҳатто бутун вужудига ҳис беради. Агар кўп фикр билан ишингиз бўлмаса ҳам спектакл сайр қилганда, албатта, эмоционал тарафдан ҳам таъсир остида қоласиз. Яъни бу Бехбудийнинг хўп яхши ишлатган жиҳози эди спектакл. Уни ҳам кўп яхши билар эди деб таъкидлайди, Ингаборг Балдауф. Бехбудий яшаган даврда дунёнинг истило қилинган ўлкаларида ёки подшоҳлик истибдоди остидаги мамлакатларда миллий уйғониш истаги пайдо бўлаётган эди. Масалан, 1913 йилда Бокуда илк бора турк тилида “Аршин мол олон” спектакли қўйилди. Қозон ва Истанбулда тараққийпарвар гаезеталар нашр қилина бошланди. Балдауф фикрига кўра, Бехбудий ўша даврнинг энг илғор ғояларини илғай олган зиёли: Албатта, Бехбудий бутун бу фикрларни, билимларни ўзи инкишоф этган эмас. У Туркиядан то Ҳиндистонгача ўзига ўхшаб шундай одамларни ривожлантирмоқчи бўлган одамлар билан кўп алоқалар қилган. Бошқаларнинг тажрибаларидан ҳам кўп фаол фойдаланган, дейди суҳбатдош. Аммо Туркистондаги муҳозафакор кучлар, муттаасиб муллалар жаидлик ғояларига қарши бўлишди.

1913 ва 1915 йилларда Бехбудий “Самарқанд” ва “Ойна” газеталарини нашр этди. Бу нашрлар исломни кенг тарғиб қилиш, эшон ва муфтийларнинг шаръий ҳуқуқлар баҳонасида ижтимоий қашшоқликларни чуқурлаштираётганликларига бағишланган эди.

1915 йилда Бехбудий томонидан вақф ишлари моҳияти ҳақида ёзилган мақолани уламолар норозилик билан кутиб олишди. Улар ислохотчи жаидни "кофир" деб эълон қилишди. Уламолар муфтийни христианлар ишлаб чиқарган ун маҳсулотларини ҳалол деб фатво чиқарганлиги учун айблаб чиқишади.

“Падаркуш” спектакли намоиш қилинганидан кейин Бехбудийни "кофир"ликда айбловчилар янада кўпайди. Бу давр тафсилотларини ўрганган немис олимаси Ингаборг Балдауфга кўра, бу спектакл Бехбудийни ёқтирмаган муҳофазакорлар сабрини тоширишга сўнгги сабаб бўлган:

Эҳтимол спектаклни баҳона қилиб унга қарши шундай гапни очган эканлар. Ҳақиқатан, айнан ўша вақтда Бехбудий муфтий сифатида ҳам ўзининг бошига тош ёғдира бошлаган эди. Масалан, Бехбудий айтмайдими ҳозирги олимнинг ҳам ҳаққи бор, Куръони Карим, ҳадиси шарифга бош урса, улардан ўзича янги муаммолар учун ҳал этадиган воситаларни топса. Бу ўз вақтида бошқа мусулмон олимларининг фикрича, маъқул эмас эди. Бехбудий эса бу мавзунини очган. Яъни унинг даҳрийлиги ёки эмаслигини билмайман, кофир дейишларига сабаб ўша бўлган. Спектакл эҳтимол яна бир восита, яна бир баҳона бўлган. Лекин асосий сабаби бошқа ёқда. Бехбудий ислом олими, яъни муфтий сифатида бошқаларга писанд бўлмаган назарларни айтган эди, ифодалаган эди. Шунинг учун уни кофирликка чиқардилар, дейди Ингаборг Балдауф.

Хуллас, Бехбудий шахсиятини ўрганган Балдауф унинг қадимчи руҳонийлардан фарқли тараққийпарвар бўлганига эътибор қаратади: Муфтийлар ҳам ҳаммаси бирдай эмас. Муфтий ҳам ўз вақтига нисбатан фикри кўп очик, ҳатто илғор одам бўлиши мумкинлиги Бехбудий шахсида кўринади. Муфтийлар орасида бошқалари ҳам бор, кўпроқ эскиликка интиладиган, консерватизмга тарафдор бўладиганлар кўп. Бу ўринда муфтий билан муфтийнинг фарқи бор, дейди олима.

2.3. Баркамол авлод тарбиясида жадид маърифатпарварлигининг ўрни

Барчамизга маълумки, шахс маънавияти, энг аввало, оила муҳитида шаклланади. Бугун оилада қанақа муҳит ҳукмронлик қилаётган бўлса, эртага шу оилада тарбияланаётган фарзанд бевосита ана шу муҳитнинг давомчиси сифатида бунёд бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурининг кучи шундаки, у айнан ёшлик даврида ён-атрофдан олган барча таассуротларини хотирасида сақлаб қолади. Оиладаги одоб - ахлоқ

нормалари, ўзаро муносабат қанчалик юксак бўлса, у муҳитда вояга етаётган фарзанд ҳам шунга монанд бўлади.

Ўтган асрнинг бошларида яшаб ижод этган жаид мутаффакирларимиз ҳам бу масаланинг моҳиятини яхши англаб етишган. Жаидлар мамлакатни ривожлантириш, уни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида қўриш учун, энг аввало, ёшларни илм-маърифатли қилишга киришишган. Улар ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир – бирдан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилишган. Ўрта Осиёдаги барча жаидчиларнинг раҳнамоси ҳисобланган Маҳмудхўжа Бехбудий халқни маърифатли бўлишга чорлаб, бир нечта асарлар ва мақолалар ёзади. У мусулмонлардан дунёга очиқ қўз билан қарашни, замонавий хўжалик юритишда билим, фан билан қуролланиб фаоллик кўрсатишни талаб қилиб, “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деган ҳаққоний фикрлари билан халқни уйғотишга ҳаракат қилади. Тараққиётга элтадиган бирдан-бир ишга яроқли тарбия усули сифатида И. Гаспиринскийнинг “усули жаид”ини тинмай тарғиб қилади. Ҳаётнинг турли соҳаларига таалуқли замон руҳидаги билимларни юксак тарбиявий талабчанлик билан бошқаларга қараганда қизиқарлироқ, оддийроқ тарзда, халқ тилида ёйишга ҳаракат қилади.

Ўтган тарихий даврнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий чекловларига қарамай, миллатнинг чинакам санъатини юзага чиқара олган юқоридаги каби хайрли маданий тадбирларни давом эттириш учун бугунги кунда жуда кенг имкониятлар мавжуд. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари доирасида бу каби театр санъати борасидаги алоқаларимизни қайта тиклаб, давом эттириш, мустабид тузумнинг бирдан-бир ижобий ҳодисаларини бугунги мустақил ҳаётимизга олиб ўтиб, қайта ислоҳ эта билиш ўзбек халқининг қўшни давлат халқлари билан ижодий алоқалари, маданий юксалишига, жамиятимиз аъзолари маънавий савияси ва бадий тафаккурини

юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади. Президентимиз И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида театр санъатининг бугунги кундаги амалий аҳамияти, моҳияти ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтар экан, бу борадаги фикрларини буюк жаид намояндаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр – бу ибратхонадур”¹ деган таърифи билан бошлаб, шундай эътироф этиб ўтади: “ Албатта, ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инobatга олиш керак. Лекин юксалиш бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан билан суғорилган асарлар яратиш – барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиийдир”.² Шунинг учун театр санъати соҳасидаги ўзаро маданий ҳамкорлик маънавий ҳаётда асосий бўғинлигини унутмаслик зарур. Зеро, театр ўз моҳият эътиборига кўра, ҳамиша маънавият ўчоғи, маданиятли инсонни тарбияловчи улуғ даргоҳ бўлиб қолмоғи зарурдир.

М. Бехбудий ўзининг ҳуқуқ масаласига доир мақолалари маҳаллий матбуотлардан ташқари чет эл матбуотида ҳам чиқиб турган. Унинг Татаристоннинг ўша даврда кўзга кўринган “Вақт” газетасида эълон қилинган “Фарёди Туркистон” мақоласида XX асрнинг бошида Туркистонда мавжуд ижтимоий – ҳуқуқий аҳволга ўз муносабатини билдириб ўтади: ”Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳл мударрис сайланур, бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни савдоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъкул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўътабар ўлжаз ва сўзлари эшитилмас...”

Жаидчилик ҳаракати кенг маънода маърифатпарварлик ҳаракати эди. Аммо “... унинг иккинчи даврида Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, С. Айний, Ҳамза, Ф. Хўжев сингари вакиллари фақат мактаб очиш, маърифат тарқатиш, илм – фан ривожини учун қайғуриш билан чегараланмай, ўз фаолиятларининг сиёсий йўналиш касб этганини ҳам тушуниб етдилар. Жаидларнинг яширин ташкилотларининг тузилиши, матбуот органига эга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент.: 2009., 144-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент.: 2009., 145-бет.

бўлиши, ширкатлар ташкил этилиши уларнинг маълум йўналишдаги, аниқ дастурга эга бўлган партия типидagi уюшма тузишга бўлган ҳаракатларини кўрсатади.

М.Бехбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу-армонидан бири сифатида майдонга келди. У ўзбек театрининг биринчи ғиштини қўйди. 500 дан зиёд мақоллар эълон қилди, улар турли соҳалар, мавзуларни қамраб олган мақолалар эди. «Ёшларга мурожаат», «Либос қиёфат», «Икки эмас, тўрт тил керак», «Ҳақ олинур, берилмас», «Тил масаласи», «Бизга ислох керак», «Туркистон мухторияти», «Танқид сараланмоқдур», «Бизнинг ҳоллар ва ишлар», «Бизни кемирувчи иллатлар», «Театр надур?», «Сарт сўзи мажхулликдир» ва ҳоказо. «Тил масаласи» (Ойна, 1915 йил, 11-12-сонлар) мақоласида тилнинг ўзаро муносабит ҳақида баҳс кетади. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчани ҳам ўн минг ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини дадил қилиб кўрсатади ва масаланинг бошқа жиҳатига ягона адабий тил бирлигига диққатни қаратади. Бу асарда араб ва форс тилларини таъсир даражасига қараб гуруҳларга бўлади. Форсий ва арабийни энг кўп қабул қилган тил «усмонли тил» саналади. «Туркийларни баъзи тоифаси форсий ва арабийни шу қадар кўп олдиларки, тилларида туркий, форсий, арабий аралашиб, «усмонали тил» усмонали шевасида ёзмок мумкин эмас», - дейди. Бехбудий шунинг учун ҳам усмонали тилнинг жонли турк тилидан узилиб қолганлигига, оддий халқ бу тилда ёзилган асарларни тушунмаслигини баён қилади.

Бехбудий араб, форсий тилларнинг қўлланиши шеваларга ҳам бориб тақалишини айтади, яъни Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё томонларда араб ва форсий тилларнинг таъсири кучлироқ бўлса ва унинг атрофидаги шаҳар зиёлиларининг тилида бу тилларнинг таъсири бор эканлиги, Тошкент ва Сирдарё музофотида араб ва форс тилларининг ҳукми озайиб бориши ва

форс тилларидан тозалаш керак деган фикрлардан эҳтиёт бўлиш керак дейди. Ҳеч бир тил бошқа тиллардан озикланмасдан яшамаслигини айтади.

«Танқид сараламоқдур» («Ойна», 1914 йил, 27-сон) мақоласида адабий танқидга алоҳида эътибор берди. Навоийдан кейин неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларининг тайин этиб, адабиётда тенг ҳуқуқлик масаласини ўртага ташлади.

«Сарт сўзи мажҳулдир» (1914 йил, 339-сон). Маълумки, Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н.Остроумовнинг бир китоби ҳам шундай номланган. Бу сўз аслида - қатлам, гоҳо социал қатламга нисбатан айтилган. Бу борада бир қанча мунозарали мақолалар эълон қилинди. Масалан, Мулла Абдуллабек деган мақола ёзиб «Садои Фарғона»га юборади, аммо мақола босиб чиқарилмайди. Шундан сўнг ўз журналидан мақолани қайта босиб чиқаришга мажбур бўлди. Мақола ҳажман салмоқли, журналнинг бир неча сониди давом этган. Адиб «Сарт сўзини қадимий этимологиясидан тортиб, А.Навоий, З.М.Бобур, М.Солиҳ, Абдулғози Баҳодирхоннинг асарларигача Н.Остроумовнинг китобидан тортиб, А.Вамбери «Кундаликлар»игача, жаҳидчилик ҳаётининг намоёндаси Аҳмад Закий Валидийдан Исмоилбек Гаспиринскийгача бўлган намоёндаларнинг бу соҳадаги кузатишларини ўрганиб, шундай хулосалайди: “«Шайбонийнома», «Бобурнома» ва Абдулғозихон китобларида баъзи бир туркистонийлар сарт деб аталибдур.

Оврўпонинг айрим сайёҳлари ёзубдурларки, Туркистонда шаҳар халқининг ёки форсий халқини, ё тожикни номаълум замонда сарт атардилар. Номуайян бир замонда Дашти Қипчоқ ёинки Хитой худудидаги сарт номинда бир тоифа келиб, Туркистонга ерлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулиб ва бошқа уруқлар ила аталуб кетгандурлар. Ана, Туркистон Русий ва Бухоро халқига сартлик исмини тарқатурға далили шундан иборатдур”.

Биз такрор айтамизки, мазкур эҳтимолни қайси бири чин бўлган суратда ҳам нафсул-амрда, букун Туронда сарт йўқдур”. Беҳбудий «Садои Фарғона» муаллифи Мулла Абдуллабекнинг «Ҳар ким бизни сарт деса, шунга хурсанд бўлиб, фахр қилмоғимиз даркордур, зероки, сарт дегани масжидлик, мадрасалик, бозорлик, озода ва уламони маъдани дегани бўлур» фикрини рад этади. Лотиннинг «сарт» – «сари ит»дан деган фикрни қанчалар ҳақоратли бўлса, «озодавош» дейиш ҳам шунчалик асоссизлигини таъкидлайди ва тарихий манбаларга суяниб, «Сарт на маънода бўлса бўлсун, арбоби тарафидан ҳал қилинмагунча они қабул этмасликка ҳаққи бор», - деб ҳисоблади.

«Саёҳат хотиралари» («Ойна», 1914 йил, 34-сон) мақоласида 1914 йилги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига сафари ёритилган, бу маданий тарафларни миқёсу кўлами кенг ёритилган. Хотиралардан келтирамиз. Адиб Қуддуси шарифдаги Ҳазрати Довуд мақбарасини, Ҳазрати Марям ва Ҳазрати Исо Қалшоларни зиёрат қилар экан, Тошкентлик ёш бир атторга дуч келади. Беҳбудий шундай хотирлайди: «Дўконига бир оз ўлтурдук, Мамлакатдан сўради. Қўлига бир неча нусха «Ойина» ва Туркистон хотирасини бердим. Аҳли савод экан. Тошкент шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр ҳарита устидаги Тошкантни ўпуб кўзга суртди. Хусусан, Ватан ва аҳли диёрни қадри мусафуротда маълум бўлур. Ҳақиқатдан Ватан мукаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур» (Ойна, 1915 йил, 4-сон). «Ҳақ олинур, берилмас», «Бизга ислоҳ керак» мақолаларида сиёсий масалаларни кўриб чиқади. Халқни сиёсий савиясини оширишга, сиёсий ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга даъват қилди. «Ҳақ олинур, берилмас» мақоласида эски ҳукуматнинг йиқилиши, янгисини барпо бўлиши Туркистонда бир қанча янгиликларни дунёга келтиришини айтади. Туркистонликлар ўз тақдирини ўзи белгилаш керак деган фикрни ривожлантирди. «Ўзининг муҳофазаси учун миллий аскарлар ўзининг алоҳида халқ манфаати йўлидаги хазинаси бўлур» дейди. У Туркистонни

федератив давлатга айланиши таклифини ва Туркистон халқларини уюштириш зарурлиги ҳақида фикрларни ўртага ташлади.

«Ислоҳ керак» мақоласида Чор ҳукуматининг сайловлар борасидаги сиёсатига ўз эътирозини билдирарди, чаласаводлар давлат лавозимида эканлигидан ташвишланарди. «Мунтахаби жўғрофияи умумий» – (Умумий жўғрофиядан сайланма) (1906 йил Самарқандда босилган) китобида “жўғрофия сўзи ер ва туфроқли баён қилатурғон илмни айтадур”, дейди. Ернинг тузилиши, тоғлар, дарёлар, ҳаво, кўллар, қуруқликлар, тун, кун, тупроқ, сув, юлдузлар, атмосфера, жамики табиат ҳодисалари ҳақидаги фанлар мароқли эканлигини эътироф этади. Бехбудийнинг ўзбек драмачилигининг биринчи намунаси бўлган “Падаркуш” асари унинг ўзбек адабиётига қўшган яна бир улугъ ҳиссаси бўлди. Бу миллатнинг эҳтиёжи ва заруратидан туғилган янги асар эди. Шунинг учун ҳам у Туркистонда катта шов-шувдор воқеага айланди. Бехбудий ҳақидаги сўзларимизнинг хулосаси сифатида Ф.Хўжаевнинг қуйидаги фикрларини келтирамиз: «Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадиidlаридан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак».

Ўтган аср Туркистонининг биқик муҳитида театр асари ёзиб, уни сахнага қўйишнинг ўзи жасорат бўлган. Бу жасоратли ишнинг Самарқанд муфтийси лавозимини эгаллаган Маҳмудхўжа Бехбудий тарафидан амалга оширилиши эса, икки карра жасорат сифатида кўрилади. Муфтий лавозимидаги шахснинг театрда рол ўйнашини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу саволга ҳозирда Лондонда истиқомат қилаётган ёзувчи Ҳамид Исмоилов жавоб берар экан, бу ҳолатни Бехбудийнинг ўз миллатини севганлиги билан изоҳлади.

Ўзининг салмоқли ижоди билан жадиdчилик ғояларини мазмунан бойитган Абдурауф Фитрат эса “Оила” асарида оиланинг миллат ва жамият асосини ташкил этишини таъкидлаб, унинг давлат, ҳуқуқ, маърифат, тиббиёт билан боғлиқ томонларини муҳокамага қўяди. Оиладаги муҳит, фарзанд

тарбияси каби масалаларни бутун бир миллатнинг тақдири билан боғлаб кўрсатади. У, “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”¹, деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларни ривожлантиришни таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий, жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган муқаддас маскан ҳисобланади. Оилада соғлом муҳитни яратиш эса, ўз навбатида, ҳам ота, ҳам онанинг зиммасига бирдек маъсулиятни юклайди. Зеро, ота–онада фидойилик, ҳалоллик, меҳр – мурувват деган тушунчалар қай даражада ривожланган, амалиётда қай даражада йўлга қўйилган бўлса, фарзанд ҳам ундан ўрнатилиб, уларга муносиб фарзанд бўлиб, ватанни авайлаб, асрашга ҳаракат қилади. Фикримизнинг далили сифатида файласуф Монтескьенинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтаман: “болаларда ватанга муҳаббат ўйғотишнинг энг яхши воситаси – оталарнинг ватанни севишларидир”.²

Оилада тарбия жараёнининг яхши йўлга қўйилганлиги таълим- тарбия муассасаларида амалга оширилиши керак бўлган ишларни бирмунча енгиллаштиради. Ёшларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг тарбиясига ҳам эътибор қаратиш вазифаси таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган устоз – муаллимлар зиммасига маъсулият юклайди.

Янги авлод тарбияси билан шуғулланган машҳур жаҳидчи педагог А.Авлоний ҳам ўз даврининг зиёлиси сифатида ёшларни ҳалол, уддабурон, матонатли, саҳоватли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш учун астойидил ҳаракат қилган. Марифатпарвар “Тарбия биз учун ё ҳаёт, - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”³, деб унга катта баҳо беради.

¹ Фитрат А. “Оила”. – Тошкент.: “Маънавият”, 1999, 13-б.

² “Ҳақиқат манзаралари.” Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2007, 289-б.

³ Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент.: Маънавият, 2006, 38-б.

Ақлнинг илм ва тажриба соясида камол топишига ишора қилган адиб учун болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, фикр тарбияси бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа ҳисобланади. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суялган, виждонларига юкланган”. Болаларнинг фикрлаши тарбиячининг ўзининг фикрлаш, интилиш доираси, савияси билан ҳам алоқодор¹.

Таълим – тарбия ҳақидаги фалсафий фикрларини мушоҳада қилар экан, А.Авлоний тарбияни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда соғ ақл” деган ҳикматни бежиз эмаслигини яхши билади. Ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш учун бадантарбия ва маънавий тарбияни уйғун ҳолда олиб боришга даъват этади. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим, долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ муҳим ва долзарбдир.

Ёшлар онгига миллий ғоямизни сингдириш, уларни меҳнатсевар, ҳалол ва пок руҳда тарбияловчи инсонлар бизнинг устоз – муаллимларимиздир. Зиёлиларимиз юрт равнақи, ватан тақдирига маъсулият билан ёндашади. Шунинг учун ҳам уларни миллат раҳнамолари деб аташимиз мумкин.

Умуман олганда, ёш авлодда ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук баркамол қилиб вояга етказиш учун оила, маҳалла, таълим муассасалари ва турли ижтимоий институтларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш олий мақсадимиз ҳисобланган озод ва обод эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун асос бўлади.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда янги ижтимоий-сиёсий ҳаракат жадиждчилик юзага келди. Қисқа вақт ичида у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиб, даврнинг энг долзарб ижтимоий муаммоларини кўтариб чиқди ва Туркистон халқининг орзу-умидлари, армонларини ифодаловчи фаол ижтимоий ҳаракат сифатида жамиятда ўз

¹ Қаранг: Қосимов Б. Миллий ўйғониш. – Тошкент.: Маънавият, 2002, 254-бет.

ўрнини топиб, ўз ғоялари билан барча ижтимоий қатламларнинг эътиборини тортди. Бу ижтимоий-сиёсий ҳаракат Туркистонда эскириб бораётган қолоқ феодал муносабатларининг инқироzi ва янги ижтимоий муносабатларга туғилган зарурият эҳтиёжи ифодаси эди. Шунинг учун бу даврнинг ижтимоий-сиёсий маърифий ҳаракати сифатида жадиdчилик қуйидагиларни ўзида қамради:

Ижтимоий-сиёсий маърифий ҳаракат бўлган жадиdчиликни жамиятни янгилашга бўлган дастлабки уринишлари услубият масаласига дахлдорлик билан бошланди. Зеро эски услуб билан халқ онгини янгилаш, унинг дунёқарашида туб ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Шунинг учун бу ҳаракат вакиллари ишни янги усулдаги таълим даргоҳларини очиш, унда эски дарсликлар билан эмас, янги дунёвий билимларни ўзида жамлаган дарсликларни яратишдан бошладилар. Айнан тарбия ёш авлод дунёқарашида миллийлик билан бирга умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш ва уни конкрет кўринишда намоён этиш миллатнинг янги авлодини янги тафаккур тарзини шакллантириш имкониятини бера олар эди. Жадиdчилик ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида:

1. Жамиятнинг барча қатламларини ўзида қамраган уйғониш мафкурасига айланди.
2. Мустақиллик учун фаол курашувчи Туркистон муҳториятининг дастлабки амалий ҳаракат натижасини ифодалади.
3. Маориф, маъданият ва матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаштирди.
4. Миллий онгни шакллантиришда унга таъсир этувчи Янги усул ва восита шакллари (театр) яратди.

Абдулла Авлоний тилга олганидек, Тошкентлик тараққийпарвар “жадиdчилар тўдаси”, “жамияти ҳайрия” очиб улар шу орқали халқнинг нафақат онги ва дунёқарашини балки, турмуш тарзини ҳам янгилашга қаратилган ўзгаришларини амалга оширдилар. Жадиdчилар жамиятда улкан

ислоҳотларни амалга оширишда янгича фикрловчи кишиларнинг зарурлигини теран англадилар. Махмудхўжа Бехбудий “Ойна” журналида бу ҳақда шундай ёзади: “Ҳозирги замон аҳволига ошно кишиларга ва бошига иш тушганларга, барча тожир ва мансабдорларга албатта маълумдирки, бизга мувофиқи замона одамлар керак, яъни мусулмон дўктур, мусулмон муҳандис, мусулмон закончи, тижоратхоналарда мусулмон “агент” ишбошлари, подишоҳлик маҳкамаларида мусулмон маъмурлар, мусулмон судьялар, натариус (мукаволот муҳаррири) банкларда мусулмон саркорлари керакдур”.¹ Жумладан улар вилоят ҳудудидаги ночор, мухтож оилаларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш, етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, амбулатория, чойхона, ошхона, ётоқхоналардан тортиб, ёшларни мактабда ўқитиш, олий таълимда ўқитиш учун чет элларга юбориш масалалари билан шуғулландилар.

Янги авлод тарбияси XX аср бошларидаги ғавқулоддаги долзарб масала бўлди ва жаҳидчилар уни теран англадилар.

Улар инсонни кенг қамровли мураккаб био-ижтимоий тузилма сифатида олиб қараб, унга борлиқнинг барча кўринишларига хос бўлган ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш хос эканлиги, икки қарама-қарши томон - яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро кураши инсондаги олийжаноб ғазилатлар ва иллатлар кўринишидаги курашда намоён бўлишини таъкидлаб ўтдилар. Демак, инсондаги барча хислатларни шакллантирувчи калит тарбия бўлиб, ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё ғалокат масаласи эканлигини қайд этдилар. Шунинг учун ҳам жаҳидчилар таълимотида инсон тарбияси, унинг комолоти, комиллиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ижодида ўзига хос ўрин касб этди.

Жаҳидчилар тарбияни кенг маънода тушуниб, у инсон туғилгандан то умрининг охиригача давом этувчи мураккаб жараён деб қарадилар. Авлоний 1913 йилда нашр этилган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида тарбиянинг

¹ “Ойна” журнали 1914 йил 31 сон 601 бет.

кўп қиррали жараён эканлигини алоҳида таъкидлаб, ақл ва илмнинг инсон оламининг ўзига хос томони эканлигига эътиборни қаратади. У шундай ёзади: “Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир”. Адиб фикрича, илм гўёки бодом ичидаги мағиз. Уни эгаллаш учун меҳнат талаб этилади.

Хулоса қилиб, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-фалсафий фикрини ифодаловчи жаидчилик ҳаракати ўша даврдаги мураккаб, тебраниб турувчи ижтимоий-сиёсий вазиятда ўзларининг кўп масалалар юзасидан дадил, долзарб ғояларни илгари сурдилар. Биз бу ғояларнинг самарасини юртимизнинг мустақил тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва ўз кадр-қимматини топаётганлигида кўришимиз мумкин.

Иккинчи боб бўйича қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, жаидчилар ижодида, инсон комолотида тарбиянинг муҳим аҳамияти билан бирга, унинг натижаси ёки ҳосиласи бўлган баркамол инсон тушунчаси ҳам ўзи хос талқинга эга. Инсонни безайдиган сифатлар кўп. Ёшликдан илм-маърифатга, ҳунар ва санъатга меҳр қўйиш, инсонда ижобий сифатларини шакллантирса, ялқовлик ва дангасалик эса, иллатларни келтириб чиқаради. Инсон фақат меҳнат орқалигина комилликка эришмай, меҳнатнинг самараларини қадрлашни ҳам билмоғи даркор. Кимки бир парча нонни меҳнат билан топса, унинг қадрига етади.

Иккинчидан, инсоннинг комиллигига, унинг маънавий-ахлоқий етуклигига жаидчилар катта эътибор берадилар. Шунинг учун инсондаги юксак ахлоқий фазилатлар: ҳақ сўзлик ва тўғрилиқ, ҳаё, иффат муҳаббат ва садоқат каби тушунчаларнинг англанишини муҳим саналганлар.

Учинчидан, ҳар бир хулқдаги меъёрни хис қилиш, ўз феъл-атвори, хатти ҳаракатининг инсоният қонунларига монанд бўлишига эришишнинг ўзи юксак ахлоқ ва фозиллик белгисидир. Кишиларни яхшиликка ундаш, ёмонликдан қайтариш, эзгулик истаги билан яшаш чинакам олижанобликдир. Кишилар умр бўйи бир бирлари билан алоқада бўладилар, ўзаро ёрдамга, ҳамкорликка эҳтиёж сезадилар. Бу эса, кишилар ўртасидаги хайрихоҳлик ва олижанобликни шакллантириб, улар ўртасидаги дўстлик ва садоқат туйғуларини шакллантиради. Шунингдек жадидчилар инсон комиллиги унда фақат шахсий фазилатларни шакллантириш билангина эмас, балки жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларга ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар.

Тўртинчидан, мамлакатдаги ҳуқуқсизлик ва мустамлакачилик асоратлари инсонни эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиб унда тутқунлик ва турғунликни шакллантиради деб қарайдилар. Бу эса, бутун бир жамият кишиларининг ночор ва ғариб турмушини, яъни инсоннинг ўзлигига бўлган ишонч руҳини сўндирилишига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун жадидчилар ўз қарашларида инсоннинг комиллиги масаласи бу индивидуал масала бўлмай, бу миллат тақдири, унинг дунёқараши, турмуш тарзи билан бевосита боғлиқлигини англаб етдилар.

ХУЛОСА

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон жаидчилик ҳаракатининг бонийсидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида 20-йилларда маҳаллий матбуотда Садриддин Айний, Ҳожи Муин ибн Шукрулло, Лаиз Азиззода каби замондошлари томонидан бир қатор мақола, хотиралар эълон қилинган. Кейинги йилларда, хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг жаидлар фаолиятини ўрганишга қизиқиш кучайиши билан Бехбудий ҳам қайта кашф этила бошланди.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўз даврининг ижтимоий – сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намоёнда сифатида қалбимизда қолади. У янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жаидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг асосчиларидан эди. Тарихимизнинг катта армони бўлиб келган бугунги истиқлол куртаги дастлаб Маҳмудхўжа Бехбудийдек жаидлар кўксига ниш уриб етилган эди. XX аср ўзбек маорифи ва маданияти қолаверса бугунги мустақил тафаккуримиз, эҳтимолки, шу жаидлар олдида бурчлидир.

Ўша даврдаги тузумга қарши норозилик кайфияти, зарур тақдирда амалий йўлини тутиш маърифатпарварликнинг сиёсий мақсад ва моҳиятини ифода этади. Бу нарсa маърифатчиликнинг иккинчи босқичи деб ном олган 1905-1906 йиллардаги воқеалар таъсирида шаклланди. Бу даврда С.Айний, А.Авлоний, М.Бехбудий, Мунаввар қори ва бошқалар номи билан боғланган жаидчилик ҳаракати кенг ёйилди. Бу ҳаракат янги миллий кадрларни тайёрлаб етиштириш ва тарбиялашда, маданиятнинг миллий мустақиллик ғояларини тарғиб қилишга даъват этишда кўзга ташланади. Энг муҳими жаидлар ўлкада мавжуд бўлган маданиятга янги мазмун беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Шу мақсадда санъат, матбуот, маориф, адабиёт соҳаларида ислохот ўтказиш ғояларини илгари сурадилар. Жаидлар авваламбор маориф соҳасида ислохотлар ўтказиб халқ оммасининг саводхонлиги, билими, умумий маданий савиясини оширишга бел боғлайдилар. Натижада “Усули жаид” мактабларини очилиши

улкан ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлди. Аср бошларида юзага келган 100га яқин шундай мактабларда 100 мингдан ортиқ бола тарбия кўради. Жадиидлар маорифнинг диний тизимига ҳам ўзгартиришлар киритишга интилдилар. Диний билимларни ўқитишга катта аҳамият берилиши билан бирга дунёвий фанлар: арифметика, тарих, география, табиётдан берилган сабоқлар ҳам муҳим ўрин тутди. Беҳбудий диний тизимни қайта қуриш, руҳонийларни янги авлодини тайёрлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Унинг “Падаркуш”, Фитратнинг “Мунозара”, Қудратиллонинг “Тўй” каби драматик асарларини юзага келишига ана шу талаблар сабаб бўлди.

Жадиидизм асосчилари ўз маблағлари ҳисобига янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар очди, пресалар ёзади, ўзлари актёр, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатадилар. Дарсликлар ёзиб нашр эттирадилар. Газета-журналлар чиқарадилар. Жамият маданиятини шакллантиришда матбуотнинг ролини юқори қўядилар. Беҳбудий “Самарқанд”, “Ойна”, Убайдуллохўжа муҳаррирлик қилган “Садои Туркистон» газеталари, “Юрт”, “Нажот”, журналларини мисол қилиш мумкин.

Жадиидлар театр санъатини ахлоқий маданиятнинг шакллантиришдаги ролига берган аҳамияти ҳам ибратлидир. “Турон” номли драматик жамият ташкил этилади. Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Хамзанинг “Заҳарли ҳаёт”, каби драмалари пайдо бўлади. Жадиидизм маданиятининг учинчи босқичи 1917 йил октябр тўнтаришдан бошлаб 30- йилларгача давом этди дейиш мумкин. Бу даврда аҳвол янада мураккаблашди. Жадиидлар янги мактаблар эркинлиги, профессионал театрлар очиш учун кураш олиб борадилар. Уларнинг диққат эртиборида миллий истиқлол учун кураш ғояси ётар эди. Афсуски жамият ҳаётининг барча соҳаларини сиёсатлаштириш, субъективизмга ҳаддан ташқари берилиш натижасида жадиидларга пантуркизм, панисломизм ва миллатчилик тамғаси ёпиштирилади. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари миллат гуллари миллатпарварлиги учун қатағон қилинди. Ўзбекистон миллий мустақиллиги туфайли жадиидизм маданиятининг моҳияти ва мазмунини ҳақиқий

илмий тадқиқ этиш учун имкониятлар яратилди. Жадиализм маданияти ўзбек халқи маданий ҳаётининг таркибий қисми, улкан мерос сифатида юқори баҳога сазовордир.

Жадидлар ҳаракатида миллий зиёлиларнинг деярли барча илғор вакиллари қатнашган эдилар. Улар орасида Ҳамза, Авлоний, Холмуҳаммад Охундий, Иброҳим Даврон, Сиддиқий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Назир Тўрақулов, Мунаввар қори алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Миллий-озодлик ҳаракати кучайиши билан жадидлар орасидан халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кўп илғор кишилар майдонга чиқди. Улар миллий истиқлолни умумбашарий тараққиёт билан уйғунлаштиришга интилдилар³. Миллатни, халқни йўқ қилишнинг, таназзулга юз туттириш, маҳв этишнинг мустамлакачилар манфаатига мос келадиган энг ёвуз ва ваҳшиёна йўлларида бири – уни фикрлашдан, мулоҳаза юритишдан тўхтатиш, миллий тили, тарихи, маданияти, миллий қадриятларнинг ривожланишига йўл бермасликдир.

Маърифат, маданият, миллий онглилик, миллий тил, миллий урф-одат, миллий қадриятлар – буларнинг ҳаммаси халқнинг халқ эканлигини кўрсатувчи белгилар бўлиб ҳисобланади. Маърифат халқни ўз ўтмишини билиш ва истиқболини тушуниб етишига ёрдам беради. Ватанни севишга, у билан фахрланишга даъват этади, душманларига қарши мурасасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий қадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Рус зобити, чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада у адои тамом бўлади», деб «башорат» қилган эди¹.

Чор ҳукуматининг ағдарилиши ўлкамизда миллий-озодлик ҳаракатларининг кучайишига олиб келди. 1917 йил март ойида ташкил топган «Шўрои

³ Қаранг: Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. -Тошкент.:Ўқитувчи, 2002.-Б.173.

¹ Туленов Ж., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш.-Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. - Б.38.

Исломия»нинг ташкилотчиларидан бири жаид Мунаввар қори Абдурашидхонов эди. Ушбу ташкилотнинг илк ҳужжатларида «Туркистон мусулмонлари ягона бир мақсад ва ягона ғоя асосида бирлаштириш учун барча зарур чора ва тадбирларни амалга ошириш зарурлиги, «ҳақ олинур, берилмас» шиори ўртага ташланган¹. Бу ўлкамиз халқларининг ўз Ватанини севиш, уни озод, эркин кўриш учун олиб борган курашидан дарак беради. Ватанни эъзозлаш, уни севиш эса энг асосий инсоний қадриятдир. Миллий қадриятлар ҳам ундан бошланади. «Одамларимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак, - дейди Ислом Каримов, - Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, ҳақиқий иймонга айланиши керак»².

Инсон ёруғ оламга ҳур бўлиб, тенг бўлиб келади. Ҳар бир одам бу дунёда бахтли бўлиб яшашга ҳақлидир. Бироқ бахтли ҳаётга ўз-ўзича эришиш ғоят мушкул. Бунинг учун курашмоқ, жонни фидо қилмоқ керак! Чунки ҳақ олинур, берилмас! — мунаввар боболаримиз бизга шуни васият қилганлар. Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ва ҳаммаслаклари ана шу эътиқодда бўлганлар, ана шу буюк эътиқод йўлида жон фидо қилганлар. Истиқлол йиллари жаид боболаримизнинг қайта туғилиш йиллари бўлди, десак янглишмаймиз. Халқимизнинг бу асл фарзандларининг табаррук номлари қайта тикланди, уларнинг асарлари эълон қилинди, фаолиятлари тадқиқ этилди. Бу савобли ишлар изчил давом қилдирилмоқда. Бироқ тарихимизнинг — мард боболаримиз ҳаёти ва фаолиятининг номаълум саҳифалари ҳали кўп. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётини тўлиқ ўрганиб бўлдик, дея олмаймиз.

¹ Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. - Тошкент.: Фан, 1996. -Б.232.

² Каримов И.А. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқ.- Тошкент.:Ўзбекистон, 1995. - Б.219.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Китоб ва туркум нашрлар.

Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 47 б.
2. Давлат тили ҳақида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 22 б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ, 1997. – 63 б.
4. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1989. – 30 б.
5. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих инстиути фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // Халқ сўзи. 1998 й. 27 июль
6. “Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // Халқ сўзи, 1998 й. 12 январь
7. “Ўзбекистон Республикасида меъморчилик ва шаҳарсозликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президент фармони. // Халқ сўзи. 2000 й. 26 апрель
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
9. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
10. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
11. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
12. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

- 13.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент : Шарқ, 1998. - 31 б.
- 14.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 15.Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 16.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 17.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 18.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 19.Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 20.Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 - жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2004.-400 б.
- 21.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.-448 б.
- 22.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.-318 б.
- 23.Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.-366 б.
- 24.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-280 б.

- 25.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 26.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаротида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 27.Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.24.
- 28.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010.-280 б.
- 29.Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013.

II. Рисолалар ва монографиялар

1. Атамуратов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. - Т., 1991.
2. Амир Темур ўғитлари. –Т.: Наврўз, 1992.- 63 б.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиш тажрибаси.-Т.: Маънавият, 2000.- 168 б.
4. Алимова Д. А. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури; Масъул муҳаррир: Б. Қосимов ; ЎзР През. ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. - Тошкент : Академия, 1999. - 53 б.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. - 323 б.

6. Бегматов Э. Жой номлари-маънавият кўзгуси.-Т.: Маънавият, 1998.- 64 б.
7. Бобоев Х. "Avesto" - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги= "Авеста" - Бесценное богатство народов Востока / Х. Бобоев, Т. Дўстжонов, С. Ҳасанов ; ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия ин-ти. - Тошкент : Тошкент молия институти, 2004. - 322 б.
8. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т.: Фан, 1968.-486 б.
9. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти [Text] : этнотарихий лавҳалар; ЎЗР Олий ва ўрта таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти, Ўзбекистон Тарихи Давлат музейи. - Тошкент : Ўқитувчи, 2003. - 208 б.
- 10.Жалолiddин Румий. Ичингдаги Ичиндадур. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 199 б.
- 11.Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-96 б.
- 12.Жўраев Н. Тарих фалсафаси: тушунча, моҳият ва сиёсат.-Т.: Маънавият, 1996.-192 б.
- 13.Карим Т. Миллий тафаккур тараққиётидан ("Авесто" замонларидан то ХХІ аср бошларигача): фалсафий мақолалар. - Тошкент : Чўлпон, 2003. - 160 б.
- 14.Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар... : миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / А. Иброҳимов; Сўзбоши: И. Ғафуров. - Тошкент : Шарқ, 1999. - 400 б.
- 15.Исмоилов С. Қадимги Хоразм қалъалари: амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб / С. Исмоилов; муҳар. А. Ортиқбоев. - 2-чи нашри. - Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. - 96 б.

16. Исломов З. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси: историческая литература / З. Исломов, Д. Мақсудов ; ЎзР Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент давлат ислом ун-ти, Исломунослик илмий-тадқиқот маркази. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2005. - 42 б.
17. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.-Т.: Шарқ, 1996.-144 б.
18. Норхўжаев Ф. Тарихий ва маданий ёдгорликлар - халқ бойлиги. - Т., 1982. - 19 б.
19. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология).-Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004.
20. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: Шарқ, 2001.-159 б.
21. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.-Т.: Чўлпон, 1993.-483 б.
22. Мирзаалиев, Э. Ю. Тарих - маънавият кўзгуси; Масъул муҳаррир И. Ю. Юсупов ; Наманган вилояти ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи, Вилоят "Хотира ва қадрлаш" музейи. - Наманган : Наманган, 2006. - 108 б.
23. Мустақиллик. Изоҳли илмий- оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 2000.-320 б.
24. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси.-Т.: Академия, 2005.- 368 б.
25. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар.-Т.: Янги аср авлоди, 2001.-31 б.
26. Раҳмонов Р. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира; масъул муҳаррир С. Шермухамедов; тақризчилар: М. Ҳасанов, Н. Сафарова. - Тошкент : O'zbekiston, 2008. - 72 б.
27. Ризо Б. Ўзбек тарихи- ўзлик тарихи: бадиа. - Тошкент : Янги аср авлоди, 2001. - 78 б.
28. Фитрат Абдурауф. Раҳбари нажот.-Т.: Шарқ, 2001.-176 б.

- 29.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.-224 б.
- 30.Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар; Масъул муҳаррир:Наим Каримов. - Тошкент : Шарқ, 2001. - 416 б.
- 31.Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация.-Фарғона, 2000.-32 б.
- 32.Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.:Шарқ, 2001.- 464 б.
- 33.Юсупов Э., Туленов Ж., Ғафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар.-Т.: Фан, 1990.-142 б.
- 34.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар. (Илмий-назарий анжуман материаллари).-Т.: Академия, 1998.-360 б.
- 35.Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: историческая литература; ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент кимё-технология ин-ти. - Тошкент : Фан, 2005. - 270 б.
- 36.Қуръони Карим. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур/.- Т.: Чўлпон, 1992.-495 б.
- 37.Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан [Text] : монография / Саййид Муҳаммад Хотамий ; Тарж.: Н.Қодирзода. - Тошкент : Минҳож, 2003. - 288 б.
- 38.Ҳотамов Г. Миллат хотираси: бадиа / Г. Ҳотамов, Ш. Ҳамроев. - Тошкент : Ёзувчи, 1999. - 24 б.
- 39.Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. - 2-тўлдирилган нашри. - Тошкент : Маънавият, 1999. - 239 б.

III .Диссертация ва диссертация автореферати:

1. Абдуллаев М. Национальное своеобразие и основные факторы развития эстетической культуры: Дис. ... д-ра.фил.наук/ Ферг.гос.ун-т. - Фергана, 1994. - 259 с.
2. Атамуратов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества. /Социальнофилософский аспект/. Автореф. дис. докт. философских наук.-Т: 1992.-54 с.
3. Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғояси-миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили: Фалсафа фанлари д-ри ... дис. автореф. -Т., 2004. -43 б.
4. Абдуллажонов Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): фалсафа фан. ном. дис...Автореф / Д.С. Абдуллажонов; ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. - Тошкент, 2006. - 22 б.
5. Абдуразаков А.А. Миллий маънавий қадриятлар ва уларнинг миллатнинг ўз-ўзини англашдаги ўрни: Дис. ... фалсафа фан. номзоди/ М.Улуғбек номидаги ТДУ. - Т., 1995. - 149 б.
6. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда маънавий тараққиёт муаммолари. Фалсафа фанлари д-ри ... дис: -Т: 2008. – 336 б.
7. Маматов О.В. Мустақиллик мафкурасининг шаклланишида ворислик муаммоси. Фалс. фан. номз. дисс. автореф.-Т.: 2002.-24 б.
8. Хайитов З.У. Мустақиллик шароитида миллатларнинг миллий ўзлигини англашининг ривожланиш хусусиятлари (ўзбек халқи мисолида): Дис. ... Фалсафа фан. номзоди. – Навоий: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Навоий Давлат педагогика институти, 2007. - 149 б.
9. Худойбергенова, Патма Тошполатовна. Миллий турмуш тарзи, унинг мустақиллик йилларида тараққиёт хусусиятлари: фалсафа фан. номзоди

дис...Автореф.; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М.Улуғбек номидаги ЎзМУ. - Тошкент, 2005. - 21 б.

IV. Мақолалар

1. Абдуазизова Н. Тарихни англаш йўлида. //Жамият ва бошқарув, 2000. №1.- 44-45 б.
2. Абдурахимов Б. Тарихий мерос миллий истиқлол мафкурасининг пойдевори. //Мозийдан садо, 2000. №3.-2-5 б.
3. Алимова Д. Мозий сабоқлари. //Мулоқот, 2002. №6.-8-10 б.
4. Алимова Д. Хотирага нақшланган ёзувлар. //Мулоқот, 2002. №3.-13-15 б.
5. Аҳмедшина Ф. Тарихий хотира-халқ маънавиятининг асоси. //Мулоқот, 2000. №3.-21-22 б.
6. Бегматов А. Тарихий тафаккур ривож. //Мулоқот, 1997. №5.-25-27 б.
7. Бойтуллаев Р. Меъморий обидалар-маънавий бойлигимиз. //Мулоқот, 2004, 3-сон, 41-42 б.
8. Бурхонова С. Музей-тарихий хотирани тиклаш маскани. //Мулоқот. 2004, 6-сон, 15 б.
9. Жўраев Н. Миллий истиқлол ғояси ва тарихни англаш. //Жамият ва бошқарув, 2003. №2.-5-7 б.
10. Қаямов Ў. Миллий ўзлик (социологик тадқиқот натижалари асосида). //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2001. №2.(14).-117-119 б.
11. Мамашокиров С. Тарихий тафаккур мезони. //Тафаккур, 1999. №4.-8-12.
12. Остонова Г. Тарихий обидалар-маънавий бойлигимиз. /Ҳамкор, 2000, 16 декабрь.
13. Отамуратов С. “Авесто”-бебаҳо меросимиз. //Жамият ва бошқарув, 2001, №3.-34-37 б.
14. Отамуродов С. Талаба ёшларнинг миллий ўзлигини англаши. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2000. №1-2.(9-10).-155-159 б.

15. Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Маҳалла тарихий хотирани тарбиялаш маскани. //Мулоқот, 2003. №3.-10-11 б.
16. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Давра суҳбати. //Жаҳон адабиёти, 1999. №1.-3-32 б.
17. Тоғаев Ш. Миллий ғурур миллий онг маҳсули. //Мулоқот, 1999. №5.
18. Тоғаев Ш. Миллий ғурур. //Жамият ва бошқарув, 2001. №4.-15-18 б.
19. Файзиев Ф. Тарихий онг ва ижтимоий воқелик. //Мулоқот. 2005, 4-сон, 36-39 б.
20. Хайитов З. Тил-бебаҳо маданий бойлик. //Мулоқот. 2005, 3-сон, 23 б.